Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 11 сентябрь, шанба № 166-167 (21.518). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 сентябрь куни Чехия Республикаси саноат ва савдо вазири Владимир Длоугини қабул қилди.

Ислом Каримов вазир жанобларига Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган ислоҳот, хусусан, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилгани ва бугунги кунда уларга қатъий амал қилинаётгани хусусида сўзлаб берди. Халқимизнинг, — деди Президент, — ислоҳотни қўллаб-қувватлаётганини яқинда мустақилликнинг икки йиллиги қандай нишонланганидан ҳам билиб олса бўлади. Ислоҳотнинг муваффақияти кўп жиҳатдан дунё мамлакатлари билан яхши муносабатлар ўрнатиш илғор технологияларни ва илмий-техника соҳасида эришилган ютуқларни республика иқтисодиётига қай даражада татбиқ эта олишга ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги муносабатлар келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз.



СУРАТДА: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

В. Длоуги мамлакатимиз Президентига Чехия Президенти Вацлав Гавелнинг самимий саломини етказди ва унинг шахсий мактубини топширди.

Вазир жаноблари Чехия ҳукумати ёш мустақил республикалар билан ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга катта эътибор бераётганини айтди. Чехия иқтисодиёти равнақи кўп жиҳатдан мазкур ҳамкорликка боғлиқ.

Қабул самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида республикамизда мехмон бўлиб турган Хитой Компартиясининг расмий делегацияси қабул қилинди. Марказий Кенгаш биринчи котиби Маҳмуджон Расулов меҳмонларга ХДП Раиси, республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар, сиёсий ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотларнинг бориши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги аниқ қадамлар тўғрисида батафсил гапириб берди.

Биринчи котиб давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳукуматимизнинг ХХР билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида қилаётган саъй ҳаракатларига алоҳида тўхталди.

Шу ўринда у Президентимиз бошчилигидаги республикамиз давлат делегациясининг Хитойга расмий ташрифи пайтида дўст мамлакат раҳбарлари билан ўнлаб битимларни имзолашганлиги ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Хитой делегациясининг раҳбари — ХКП МК ҳузуридаги ҳалқаро алоқалар бўлими мудирининг ўринбосари Хуань Гоин Хитойдаги аҳвол, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи, мамлакатнинг ташқи сиёсати тўғрисида ахборот берди.

Учрашувда ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалалари катта ўрин эгаллади.

Хитойлик меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифи пайтида Республика Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва меҳнат жамоаларида учрашув ва суҳбатлар, Тошкент ва Самарқандннинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш назарда тутилган.

Қабул пайтида ХХРнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари А. Саидов, И. Кочмарик, Тошкент вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов ва Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Ш. Шоисломовлар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

БИЗНИ ЖАҲОН ҚУТЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Президент жаноблари!

Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўтган икки йил ичида ҳар соҳада ривожланди. Бу муносабатлар келгуси йилларда янада юксак поғоналарга чиқишига ишончим комил.

Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон демократик, дунёвий ва замонавий ўлкалар қаторидан жой олишига бўлган ишончимни алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман.

Бу тарихий кунда жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

Туркия Жумҳурияти Бош вазири
Тансу ЧИЛЛЕР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан бутун Покистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига, шунингдек, бутун ўзбек халқига зўр мамнуният билан самимий табрикларимни йўллайман.

Жаноби олийлари, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига муваффақият ва доимий юксалиш, фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга самимий ҳурматимни изҳор этаман.

Васим САЖЖОД,
Покистон Ислом Республикасининг, Президенти
1993 йил 30 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Ассалому алайкум!

Ўзбекистон халқининг миллий байрами муносабати билан Афғонистон Ислом давлатининг халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига қизғин саломим ва эзгу истакларим ҳамда қутловимни етказишдан хурсандман.

Жаноби олийлари!

Афғонистон Ислом давлати мамлакатингиз билан қалин ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Халқларимиз ўртасидаги тарихий ва маданий муштараклик яхши қўшничилик асосида самимий муносабатларни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Кези келганидан фойдаланиб, жаноби олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва муваффақият, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат тилайман.

Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ,
Афғонистон Ислом давлатининг президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан Сизга самимий табрик ва қутловларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда.

Мавжуд дўстлик алоқалари йиллар ўтиши билан янада мустаҳкамланади ва ҳар икки мамлакат халқига наф келтираверади, деб умид қиламан.

Жаноби олийлари, Сизга зўр ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Абдураҳмон БИСВАС,
Бангладеш Халқ Республикаси президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган куннинг икки йиллиги муносабати билан мўғул халқи номидан ва шахсан ўз номимдан йўллаган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Пунсалмаагийн ОЧИРБАТ
Мўғулистон президенти
Улаанбаатар шаҳри,
1993 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон ўз мустақиллик кунини нишонлаши мен учун Сиз, жаноби олийларини Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан табриклаш ҳамда Сизга энг эзгу истаклар билдириш, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаш имконини берганидан хурсандман.

Эзер ВАЙЦМАН,
Исроил давлати президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан Сиз, жаноби олийларини ва мамлакатингиз халқини табриклайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши алоқалар янада ривожланади ва мустаҳкамланади, деб умид қиламан.

Сиз, жаноби олийларига муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

Али Акбар Хошимий РАФСАНЖОНИЙ,
Эрон Ислом Жумҳурияти президенти

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қарши туманидаги «Чўлиота» жамоа ширкат хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияда республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақида»ги маърузаси ва ушбу сессияда сўзлаган якунловчи нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, бу йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, кузги дон экишни ҳамда бошқа кузги — қишки тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган Қашқадарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят фаоллари йиғилишида шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, халқ депутатлари, Халқ демократик партияси шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари, деҳқончилик-саноат мажмуасига қарашли ташкилот, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилиши олдидан йиғим-терим мавсумига тайёргарлик кўриш қандай бораётганлиги, жумладан ғўзани дефолиация қилиш, машина терими ва кузги дон экишни ташкил этиш бўйича амалий-кўрик машғулотлари ўтказилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Темир Хидиров Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақида»ги маърузаси ва ушбу сессияда сўзлаган якунловчи нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Мусо КАРОМОВ.

● ЎЗБЕКИСТОН — АРГЕНТИНА:

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатларини йўлга қўйган давлатлар сони яна биттага кўпайди. 9 сентябрь куни Аргентина Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасига қарашли қароргоҳда Ўзбекистон ва Аргентина ўртасидаги бу муҳим тарихий ҳужжатни имзолашга бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди. Иккала давлат ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги аҳдномани республика ҳукумати топшириғига мувофиқ Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев, Аргентина Республикаси номидан мамлакатнинг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Хуан Карлос Олима тантанали суратда имзолади.

Суҳбат чоғида элчилар мамлакатларидаги янгиликлардан бир-бирларини хабардор қилдилар. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини кенгроқ йўлга қўйиш, элчихоналар очиш борасида фикрлашиб олдилар.

Фахриддин ПАРПИЕВ.

ХДП: *бошланғич ташкилотларда*

Бозор муносабатлари, қўйингки, туб ислоҳотлар ҳар бир ҳисобдонни, ман-ман, деган тежамкорни ҳам танг аҳволга солиб қўйди. Бироқ чуқурроқ мулоҳаза қиладиган бўлсангиз, энди ишбилармонннинг, тадбиркор ва ташаббускорнинг даври келди. Буни ҳамма жойда бўлганидек Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ва туманлар кенгашлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Молиявий аҳвол қалай, котиба?

Қаерда кенгашларнинг котиблари уддабурон, ҳаракатчан бўлса, ўша ерда молиявий аҳвол яхши. Иқтисодиёт эса талаб даражасида. Аммо котиблар эскичасига ишлашга кўниккан бўлса бюджет ҳам, молиявий аҳвол ҳам пароканда. Масалан, ХДП Томди тумани кенгашини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кенгаш биринчи котиби Зейнулла Доспанбетов изланиш, имконият қидириш ўрнига фақат бошланғичлардан тушадиган баъзи бир ҳужжатларга кўз тикиб қолди. У кенгаш ҳузурида ёрдамчи цех ёки кичик корхона очишни хаёлига ҳам келтирмади. Натижада кенгаш молиявий аҳволини ўнгломай бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлди.

Бу сингари иқтисодий қийинчилик ва молиявий танг аҳволни Навоий вилоятининг яна бошқа партия кенгашлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Лекин ҳар бир қийин шароитда ҳам имкон топадиган, кенгаш ишини йўлга қўйиш учун жон куйдирадиган котиблар вилоятда талайгина. Бунга мисол қилиб ХДП Қизилтепа туман кенгаши (биринчи котиби Нормурод Исоқов), Конимех тумани кенгаши (биринчи котиби Усен Умаров), Навоий тумани кенгаши (котибаси Матлуба Адизова)ни кўрсатиш мумкин. Айниқса, ХДП Навоий тумани кенгаши иши ҳам, молиявий аҳволи ҳам диққатга молик.

Туманда агар 49 та бошланғич партия ташкилоти бўлса, уларнинг ҳаммасига Матлуба Қосимовнанинг ўзига ўхшаган чаққон, билимдон, ташкилотчи ва ташаббускор котиб ҳамда котибалар раҳбарлик қилишади. Ана шундан бўлса керак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ХДП аъзолари сони 60 нафарга кўпайди ёки жами 1137 нафарга етди. Партияга қабул ва ХДП аъзолари билан ишлаш айниқса туман йўллардан фойдаланиш бўлимида, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида, Кармана шаҳар матлубот жамияти бошланғич ташкилотларида намунали йўлга қўйилган.

Ана шунга ўхшаш ижобий ишлар боис яқинда биз туман кенгашида бўлиб, котиба М. Адизова билан кенгашнинг амалий режалари, ойлик дастурлари ҳақида батафсил суҳбатлашдик. Суҳбат мавзуи юқорида қайд этганимиздек кўпроқ кенгаш молиявий аҳволига қаратилди. Котибага кенгашнинг бир йиллик сарф-ҳаражатлари учун кетадиган етти миллион сўмдан ортиқ маблағнинг қаердан келиши, нима ҳисобидан тушиши беш бармоқдек аён. Бу ерда биргина йил давомида аъзолик бадалларидан тушадиган 1,5 миллион сўмга кўз тикиб турилгани йўқ. Ёки ижарага берилган партия биноларидан келадиган бир миллионлик, шунингдек шартнома асосида деҳтачилик трести да «Олтин қирғоқ» кичик корхонаси фаолият кўрсатяпти. Бевосита кенгаш кўмаги билан очилган бу корхона тўлалигича ҳомий саналади. Асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чўчқа ва балиқ гўшти етиштиришга ихтисослашган мазкур корхона қисқа вақт ичида тушган соф фойдадан 200 минг сўмини кенгаш ҳисобига ўтказди. Шунингдек, ташкилотчилик ва елиб-югуришлар эвазига кенгаш ҳузурига, туман ҳокимлигига берилган машиналардан тушадиган икки миллионга яқин пулга ҳам яяк тираб олинмаган.

Котибанинг хатти-ҳаракати, изланиши туфайли кенгаш иқтисодиётини ўнглашнинг энг мақбул йўллари танланган. Масалан, бир йилдан ошдики, кенгаш ҳузуридаги фаол тадбиркорлар ташкил этилди. Бундан ҳам ҳозиргача қарийб бир миллион сўм фойда кўрилди.

Нафақат кичик корхона ва курслар, балки котибанинг ташаббускорлиги туфайли туман фуқаролари билан шартнома тузиб аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, «Суғдиёна—сервис» марказини очиш ҳам мўлжалланяпти. Бу марказ ишга тушгач, туманда электр асбобускуналарини таъмирлаш, созлаш ишлари ва майда электр асбоблари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу марказ ҳам тўлиқ кенгаш молиявий аҳволи учун хизмат қилади.

Қани энди Учқудуқ, Томди, Хатирчи туманлари кенгашлари, қўйингки, кенгаш биринчи котиблари иқтисодиёт учун, молиявий аҳвол учун шундай жон куйдиришса?!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● Халқаро банклар анжумани

БОШ ВАЗИР ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов халқаро банклар конференциясида иштирок этган Малайзиянинг Берхад банки делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Бош вазир Ўзбекистонда Берхад банкининг ваколатхонаси очилгани билан меҳмонларни табриклади.

— Тошкентда бўлиб ўтган халқаро банклар конференциясида иштирок этганимиздан ғоят мамнунмиз, — дейди банк президенти Т. Ш. Ҳошим Омон. — Муассасамиз ташаббуси билан яқинда Малайзияда ўтказиладиган семинарга Ўзбекистонлик дўстларимизни ҳам таклиф этиш ниятидамиз.

Учрашувда Бош вазирнинг ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

● Илмий анжуман

КИБЕРНЕТИКА РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ўзбекистонда кибернетиканинг ҳолати ва ривожланиши» мавзуида республика конференцияси ўтказилди.

Бу анжуман республика илмий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50 йиллиги олдидан муҳим тадбирдир. Илмий анжуманда «Ахборотлаштириш ва сунъий интеллект», Моделлаштириш, алгоритмлаштириш ва ҳисоблаш тажрибаси», «Математик моделлар ва халқ хўжалигини бошқаришнинг ахборот-ҳисоблаш тизимлари» мавзуларида маърузалар қилинди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Фанлар Академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, техника фанлари доктори Х. Ниғматов, академик В. Қобулов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси М. Комилов, техника фанлари доктори Ҳ. Ниғматов суҳбатларидан баҳраманд бўлишди.


● Санъатимиз юлдузлари

БУЮК РАҚҚОСА ХОТИРАСИ

Кеча Алишер Навоий номидаги Катта Академик театрида санъатимиз юлдузи, буюк раққоса Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

Кечқурун эса шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳмонлар, санъат ихлосмандлари Алишер Навоий номидаги театрга тўпландилар. Бу ерда Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев кечани очиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг республика бир гуруҳ санъаткорларини фахрий унвон ҳамда ёрлиқлар билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва мукофотларни топширди.



Санъатсеварлар Мукаррама опа дейилганда «Тановар»ни ёки бу ҳазин куйни тинглаганда эъзозли раққосамизни ёдга оладилар. Мукаррамахоним Ўзбекистон санъати довруғини жаҳонга ёйишга беқиёс ва бетакрор хизмат қилган.

Кеча буюк санъаткорнинг хотирасига бағишланган тадбирлар эса эрта тонгдан опанинг қабрига гуллар қўйишдан бошланди. Кейин «Баҳор» концерт залида М. Турғунбоева музейи очилди. Удумларимизга кўра опанинг хотирасини ёд этиб, халққа ош тортилди.

Суратда: буюк санъаткор Мукаррама Турғунбоева билан раққоса Тўхтахон Рисметова.

● Ишбилармонлик

«НАБИ» ФИРМАСИ КЎМАГИДА

Гулистон шаҳри дўконларида ёшларга мўлжалланган, хорижникидан сира қолишмайдиган кийим-кечаклар пайдо бўлди.


Бу маҳсулотлар «Наби» фирмаси қурган янги цехда тикилмоқда. Фирма ташкил топганига икки йил бўлди. Лекин қисқа вақт ичида элга танилди. Кўпгина корхоналар компьютерлар харид қилиш ва уларни ишлатишда, зарур материаллар олишда «Наби» фирмасидан миннатдор. Фирма эса Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Новороссийск, Екатеринбург каби шаҳарларда ваколатхона очиб, фаолиятини кенгайтирмоқда.

(Мухбирлар, хатлар ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

• *Мустақиллик уфқлари*

БИЗНЕСМЕНЛАР АМЕРИКАГА БОРИШАДИ

Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда бизнесмен ва ишбилармонлар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Бунинг учун, аввало, иқтисодчи мутахассислар малакасини ошириш зарур. Худди шу мақсадларда университетимиз АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли олий мактаб қошидаги Халқаро институт билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бундан бир неча кун муқаддам Вашингтондан ташриф буюрган мутахассислар қарийб



СУРАТДА: вашингтонлик профессор Сандра Данлан.

бир ойлик машғулотни якунлашди. Улар илмий даргоҳимизда профессор-ўқитувчиларга маъмурий бизнес бўйича маърузалар ўқишди. Бу машғулотларнинг кейинги босқичи 1994 йилнинг январь—февраль ойларида Америкада давом эттирилади.

Дунё мамлакатларига малакали мутахассислар тайёрлаш борасида кўмак бераётган мазкур халқаро институт 1961 йилдан фаолият кўрсатмоқда. Биз Вашингтонга юбориладиган мутахассисларимиз ва олимларимизни, аввал, тест синовлари бўйича аниқлаймиз. Белгиланган дастурда макро ва микроиқтисодиёт асослари, АҚШнинг монополияларга қарши қонунлари, солиққа жалб этиш, инфляция, маркетинг, фойдани максималлаштириш, халқаро савдо ва халқаро бизнес, реклама, таннарх таҳлили, бюджетни юритиш ва бошқариш, тақсимот тизими, меҳнат ресурслари менежменти, иш ҳақини аниқлаш, ишсизлик каби кўплаб бозор иқтисодиёти назариялари асослари бўйича машғулотлар олиб борилади. Юртдошларимиз АҚШнинг таниқли олимларидан Ланни Херрон, Сандра Данлан, Женнин Клеймо ва Тарт Андрус каби профессорларнинг маърузасини тинглашади. Иккинчи босқич учун кетадиган харажатларни АҚШ ахборот агентлиги ўз зиммасига олган. Мазкур сафарга нафақат университетимизда, балки Тошкент молия институти, вазирликлар, концернлар, ассоциацияларнинг етакчи мутахассисларини ҳам таклиф этилган.

Америкага борган профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, аввало, у ерлик бизнесменлар билан бирга ёнма-ён ишлайдилар. Сўнгра икки ҳафта мобайнида амалий билимларини назарий машғулотларда мустаҳкамлайдилар.

Ҳамкорликнинг янги уфқларини очаётган олимларимиз ўз билимларини мамлакатимиз талабаларига бизнес фанларини ўқитишда ҳамда бизнесменларнинг малакасини оширишда қўллайдилар.

Зокир ИЎЛДОШЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор.

• *Миллий истиқлол мафкураси ҳақида мулоҳазалар*

КЕЛАЖАК МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий мафкурани яратиш иши миллат келажаги, Ватан иқболи билан боғлиқ масаладир.

Мустақил давлатнинг мафкураси қандай бўлмоғи керак? Истиқлолимизни асраб-авайлаш, янги миллий давлат шаклу шамойилларини юзага келтириш лозим. Халқнинг чинакам фаровонлигини таъминлашнинг моддий асослари яратилмоқда. Кўп ўтмай улар ўз самарасини беражак.

Миллат қаддини тиклаш, буюк келажакнинг баркамол авлодини вояга етказиш муҳим вазифадир. Ҳолбуки миллий қадриятларимиз турмуш тарзимиздан анча бегоналашиб, бошқа урф-одатлар, «замонавий» турмуш тарзига тақлид қилавериб, миллат сифатида ўзгалар бағрига сингиб кетишимизга бир баҳя қолганда мустақиллик тонги юз очганлиги маълум. Энди биз мустақилликда эркин нафас олаётган Ватанни, миллатни қадрлай билишимиз, ўзимизда унга фарзандлик ҳиссини чуқур илдиз оттиришимиз лозим. Замондошимиз Алихон Тўра Соғуний ҳазратлари ҳар бир киши учун «энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир: жони, дини, моли, оиласи, она-Ватанидир», деган рост гапни айтганлар. Қанийди, барча-барчада шу беш нарса тенг камол топса. Бу ҳам етмаганидек, ўша беш нарсадан ҳам кўра олтинчи нарсага — ўз ҳузур-ҳаловатинг кўзлашга ортиқ даражада меҳр қўйилди. Оқибатда диёнату поклик, ростгўйлигу имон, аҳлоқу ибо дарз кетди. Тарихи тоза миллат бағрида манқуртлик уя қура бошлади. Ҳайриятки, республика халқи мустақиллик саодати сабаб наинки ўз ҳақ-ҳуқуқи, эрки ва озодлиги, шу билан баробар ўзлиги, ўз инсоний қадр ва ғурурига муяссар бўлди.

Шу сабабли гапни мафкура яратишнинг ибтидосидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай мафкурани яратишда ибтидоий масала, аввало унинг таркибий тизимини, етакчи ғоясини белгилаб олишдан иборатдир. Уни белгилашда миллатнинг истиқболи, келажаги ҳақида аниқ илмий асосланган тасаввур бўлиши керак. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи келажакда буюк давлат — адолатли жамият яратиш ва ижтимоий, маънавий-маданий баркамол авлодни камол топтиришдир. Ҳозирда ана шу истиқбол мақсадининг биринчи босқичи амалга оширилаяпти. Демак, яратилажак мафкура бугуннинг руҳи, мазмунига мутаносиб бўлибгина қолмасдан, истиқбол мақсадига йўналтирилган бўлиши ҳам лозимдир.

Мафкуранинг таянч манбалари нима? Миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий ғоялари ва кўзланган мақсадларини ишлаб чиқишдан олдин, унинг манбаларига назар ташласак, шу нарса ойдинлашадики, энг аввало, бу мустақил давлат қарор топгунга қадар ушбу заминда яшаган халқимизнинг эрк ва озодлик, мустақил давлат яратиш учун босиб ўтган кураш йўли, бу йўлдаги тарихий сабоқлар алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, миллий давлат тизимлари, ҳуқуқ-тартиботнинг шаклу шамойиллари, маънавий-маданий, ахлоқий-тарбиявий, мерос ва қадриятлар мафкурамизнинг шаклланиши учун мустаҳкам заминдир. Бу манбалар бугуннинг руҳи, эҳтиёжи билан уйғунлашгандагина таъсирчан кучга эга бўлади. Шу билан бирга ушбу мафкуранинг ўз миллий қобиғига ўралиб қолмаслиги, балки халқаро тажрибага таянишини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Ҳолбуки, мафкура ҳақидаги мақолаларда гоҳо маънавий-маданий мерос ва қадриятлар билан чегаралаб қўйиш, ахлоқий-тарбиявий мерос ўрнига фақатгина ислом таълимоти билан чекланиш каби ҳоллар учраб турибди.

Фикримизча, миллий истиқлол мафкурамизнинг таянч манбалари қуйидагилар:

Миллий— тарихий давлатчилик ва қонунчиликдаги сабоқлар ҳамда бу борадаги халқаро тажрибалар;

Миллатимиз жуда бой маънавий — маданий меросга эга, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларидаги дурдоналар бугунги ҳаётда баркамол инсонни вояга етказишда беқиёс таъсир, тарбия қувватига эга. Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари илм фозиллари халқимизнинг буюк бахтидир;

Ахлоқий, маърифий ва тарбиявий мерос. Бу борада ҳам ўзбек халқи комил инсонни тарбиялашнинг забардаст дастуриламалларига эга. Бунда бевосита «Ҳадис»лар «Ҳиббатул ҳақойиқ», «Қутадғу билик», «Ҳикматлар», «Ҳайратул Аброр», «Бўстон», «Гулистон» каби ноёб манбаларнинг аҳамияти беқиёс. Айрим олимлар бу манбани исломий таълимот билан чегаралашни мақбул кўришяпти. Халқимиз яратган мерос исломий таълимотдан кенгроқ эканлигини назардан соқит қилиб бўлмайди.

Демократик муҳит ва умуминсоний қадриятлар. Масалани бундай қўйишимизнинг боиси ижтимоий ҳаётда демократик муҳит барқарор бўлгани сари умуминсоний қадриятларнинг тобора мазмунли, таъсирчан бўла боришига эътиборни қаратишдир. Тарих синовларидан ўтган умуминсоний қадриятлар бугунги демократик жараёнда кучли таъсир воситаларига айланяпти, жамиятда истиқболли шарт-шароит яратмоқда.

Энди мафкуранинг асосий ғояларига тўхталиш жоиздир.

Ҳар қандай мафкуранинг ғояси унинг ўз олдига қўйилган мақсад—вазифаларига мувофиқ бўлади. Ҳозир халқимиз келажакда буюк давлат бунёд этишга киришди. Жамиятнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маданий пойдеворини барпо этиш учун қизғин иш боряпти. Демак, мафкурамиз буюк келажакнинг нодири—даврони—ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашни бош мақсад деб билади. Шу ниятда она-Ватан ва миллат тақдирига садоқатли инсон дунёқарашини шакллантиришимиз керак.

Шуниси аниқки, халқимиз тарихида номил инсон ҳақида кенг ва мукаммал таълимот яратилган. Уни тўлалигича тиклаш, Ватан ва миллат келажаги манфаати билан бойитиш зарур. Яна бир жиҳати тарихимизда халқ ва Ватан манфаати учун жон фидо қилган улкан зотлар, мутафаккирлар шахсий комил инсон учун ўзига хос намуна ҳамдир. Чунки улар шахси, умр йўли инсонийлик, маънавий ахлоқий баркамоллик, ватанпарварлик, миллатсеварлик, ҳалоллик, ақли теранликнинг намунасидир.

Ҳозир республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиляпти. Иқтисодий ҳаётда мулкнинг бир қанча кўринишлари, шунга мувофиқ турли мулк муносабатлари шаклланмоқда. Бинобарин, жамият миқёсида хўжалик юритиш қонунлари назариясини яратиш, ҳозирги иқтисодий тараққиётнинг табиатини ўрганиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устивор характерини асословчи қонун ва мезонларни белгилаш лозим. Бугина эмас. Адолатли жамият қуриш йўлининг ўзига хос мезонлари кенгроқ ёритилса, маънавий-маданий ҳаётдаги сифат ўзгаришлари шунчалик тез бўй кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир инсоннинг маънавий юксак, аҳлоқий пок, ғурури баланд. Ватан ва миллатга муҳаббати собит бўлиб етишувини тезлаштиради.

Адолатли жамият яратиш, баркамол ижтимоий фаол инсонни тарбиялашни мақсад деб билган мафкура Ватан, халқ манфаатига садоқатга, миллий маънавиятимизга, бошқа миллат ва халқларнинг бародарлик ғояларига таянади.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафкураси аввало халқнинг онги, шуурида мустақилликнинг ҳаётбахш қудрати, ҳаётий заруратлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги ҳақида барқарор кўникма ҳосил қилиши лозим. У кишиларда Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши ҳақида ишонч ва эътиқодни шакллантириши, буюк келажак яратиш учун кураш инсоннинг бурчи эканлигини англата билиш, давлатимиз истиқболи йўлида фаол ижтимоий дунёқарашни камол топтириши зарур.

Миллий истиқлол мафкурасининг илмий-амалий фаолиятини жадаллаштириш мақсадида вилоятларда мафкура марказларини вужудга келтириш, унинг молиявий-ҳуқуқий ижро ва ҳаракат манбаларини, усул ва шаклларини, ташкилот, муассаса ва корхоналар билан ҳамкорлик тизимларини тайин этиш лозим. Яхши бўлардики, мафкура маркази қошида мафкуравий Кенгаш тузилса.

Хуллас, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш буюк келажак—адолатли жамият қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш йўлини тутатган Мустақил Ўзбекистон аҳлининг муҳим вазифасидир.

Ўрол НОСИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг иккинчи котиби, профессор.

• *Қутлов*

ДЎСТИМ ҲАҚИДА СЎЗ



Нўъмонжон кўп сонли садоқатли шогирдлари билан фахрланса арзийди.

Қадрдоним Нўъмонжон Насимов туғилган кунига 60 йил, меҳнат фаолиятига 40 йил тўлганлигини дўстлари, вилоят жамоатчилиги қувонч билан нишонлаяпти. Кейинги 40 йиллик умри менинг кўз ўнгимда ўтди. Ҳаммасини бирма-бир хаёлимдан кечирдим. Ана шу саҳифалардан чиқариладиган лўнда хулоса шу: у чин маънодаги инсон, садоқатли дўст.

Ҳаётда шундай ҳам бўлади — омадинг юришиб турса, атрофингдагилар сони кўпайиб қолади. Борди-ю бироз совуқ шабада эса бошласа уларнинг сони сийраклашади. Айтмоқчиманки, об-ҳавога қараб дўст тутинадиганлар ҳам бор. Яна бошқа тоифадагилар борки, амал поғонаси бироз кўтарилса, сизга бўлган муносабатида ҳам ўзгариш юз беради — баландроқдан туриб гаплашиш одати пайдо бўлади. Нўъмонжон эса айнамийдиган хилидан. Ҳар қандай шароитда ҳам дўстларга содиқлигича қолиб келмоқда. У бошқалар қатори менинг ҳам ҳамма вақт суянган тоғим, ишонган боғим бўлиб келди. Ҳаётнинг гўзаллиги, мазмуни ҳам шундан бўлса керак. Яхшиямки, шундай одамлар бор!

Орттирган дўстларим қаторида Нўъмонжондек инсон борлигидан фахрланаман. Ёмон кўздан ўзи асрасин. Яратганнинг ўзи сизга, дўстим, узоқ умр берган бўлсин. Бундан кейин ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучукларини биргаликда баҳам кўраверайлик.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТАБАРРУК СИЙМОГА ТАЪЗИМ

Чиноз туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида улуғ мутафаккир шарафига ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги шарафига бағишланган маросим чинакам умумхалқ тўйига айланди. Ҳайкал очилиши олдидан худди шу куни никоҳ тўйлари белгиланган олти жуфт келин-куёвга бепул поёндозлар тортиқ этилди. Бир қатор меҳнат илғорларига совғалар берилди. Чиндан ҳам тўй тўйга уланиб кетди.

Карнай-сурнай садолари остида ҳайкал устидаги оқ чойшаб оҳиста туширилади. Туман ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Усмонали Умаров, жамоа хўжалиги раиси Жамолиддин Араббоев улуғ бобомизнинг туганмас маънавий олами ҳақида гапирдилар.

Шундай қилиб Алишер Навоий номидаги хўжаликда Ўзбекистон мустақиллиги ва азалий қадриятларимиз тикланаётганлиги ҳақида республика маънавий-маданият-тарғибот маркази директори, фалсафа фанлари доктори Турғунбой Саксонов, директор ўринбосари Неъмат Жабборов, етакчи мутахассис Баҳром Тожибоев, вилоят маркази раҳбари Абдурашид Абдуллаев, Ўзбекистон халқ академиги Фатхилла Зикриллаев ўзларининг мазмунли суҳбатлари билан хўжалик деҳқонларига бир олам маънавий озуқа бердилар.



Сўнгра шодиёна қатнашчилари хонанда Охунжон Мадалиев қўшиқларидан баҳра олдилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ,

СУРАТДА: Алишер Навоий номидаги хўжаликда ҳайкал очилиш маросими.

А. ТЎРАЕВ сурати.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Қашқадарё вилояти хўжаликларида пахта йиғим-терими суръати ошмоқда. Айни пайтда вилоятнинг Ғузор, Усмон Юсупов, Қамаши, Касби ва Баҳористон туманларидаги илғор хўжаликларда пахтани саралаб териш қизғин.

Оқ чойшабдан либос кийган пахтазорларда теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Республика ҳукумати томонидан теримчиларни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ғамхўрлик пахтакорларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Ғузор туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг Ўрозали Тошпўлатов бошлиқ бригадаси республикада биринчи бўлиб дастлабки довондан ошди. Мавжуд 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан хирмон кўтарилди. Далаларда ҳосил чўғи баланд. Пахтакорлар ялпи ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказишмоқчи.

Қамаши тумани «Чим» жамоа хўжалиги, Қарши туманидаги Энгельс номли, «Қовчин», Касби туманидаги Алишер Навоий номли, Ҳамза Хўжақулов номли «Пахтакор», «Қашқадарё», Муборак туманидаги «Хитой», Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов», «Миришкор», Автономов номли жамоа-ширкат хўжаликларида ҳам йиғим-теримга қизғин киришилди.

Бу йил вилоят бўйича 70 фоиз ҳосил «зангори кема»ларда терилади. Шу боис гўза барги сунъий тўктирилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

АВСТРИЯ ФИРМАСИНИНГ СОВҒАСИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили. Зеро, ўтиш даври деярли барча соҳалар, хусусан соғлиқни сақлаш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Дори-дармон ва бошқа тиббиёт асбоб-ускуналари етишмаётганлиги сезиляпти.

Айни пайтда хорижий фирмалар ёш мустақил давлатимизга беминнат ёрдам қўлини чўзишмоқда. Австриялик дўстларимизнинг республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкентдаги Жарроҳлик илмий марказига 60 минг долларлик тиббиёт ускунасини совға тариқасида беришлари ҳам чет эл билан ўзаро ҳамкорлик самарасидир. Бегараз ёрдамдан марказ директори, академик Восит Воҳидов ва бутун жамоа мамнун.

— Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ноёб тиббиёт ускунаси Австриянинг «Карл Шторз» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган бўлиб, уни шу мамлакат фирмаси республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги байрами муносабати билан совға қилди, — дейди марказ бош шифокорининг ўринбосари Қодир Зокиров. — Жарроҳлик ускуналари туркуми ўта замонавий ҳамда мураккаб бўлиб, инсон танасига тиғ тегизмай ўт пуфагини операция қилиш ва ташхис қўйишга мўлжалланган. Бу ускунанинг яна бир қулайлиги шундаки, беморни дарддан фориғ этишга кам вақт сарфланади, касалликнинг эса асорати қолмайди.

Мавриди келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу анжомлар туркуми ноёб ва энг сўнгги фан ютуқлари асосида яратилганлиги сабабли ундан фойдаланишда тажриба орттиришга тўғри келади. Балки москвалик ҳамкасбларимизни таклиф қилармиз.

Хуллас, беморлар мушкули осонлашадиган бўлди. Ҳадемай, пойтахтимизнинг Жарроҳлик илмий марказида ўт пуфагини операция қилишдек нозик жараённи тиғсиз амалга ошириш йўлга қўйилади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЎСТИМ ҲАҚИДА СЎЗ

олдик. Ўшанга ҳам мана 44 йил бўлибди.

1954 йили «Тошкент ҳақиқати» газетаси ташкил этилди. Бошқалар қатори мен ҳам яхши ният билан шу даргоҳга ишга келдим. Тақдир бизни яна учраштирди. Нўъмонжон билан бирга ишлашдик, қадрдон дўст тутиндик. Яхши-ёмон кунларимизда ҳамиша бирга бўлдик. У ҳам, мен ҳам йиллар ўтиши билан хизмат пиллапояларидан аста-секин кўтарила бошладик.

1965 йили мени «Сирдарё ҳақиқати» газетасига муҳаррир этиб тайинлашди. Раҳбарият вазиятни ҳисобга олган ҳолда муҳаррирнинг биринчи ўринбосари лавозимига кимни тайинлаш масаласини ихтиёримга топширди. Не-не мулоҳазалар билан Нўъмонжонга оғиз очдим. Чунки Тошкентдек жаннатмакон ерни ташлаб, бу ердаги қайноқ ижодий муҳитдан айрилиб, чўлга бориб ишлашга ҳамма ҳам рози бўлавермасди.

— Сиз шуни лозим кўрсангиз, мен розиман, — деди у.

Шундай қилиб иккаламиз янги жойда иш бошладик. Нўъмонжоннинг раҳбар сифатидаги қобилияти ўша ерда барг ёзди, илдиз отди. Ўзининг ишчанлиги, масалалар моҳиятини чуқур тушуниши, долзарб мавзуларни ўртага қўя билиши шу зайлда йўлга қўйдики, таҳририятнинг ички ишларидан кўнглим бутунлай тўқ бўлди. Қисқа вақт мобайнида Нўъмон Насимов вилоятда кўзга ташланиб қолди. Жамоа ташкилотларида ҳам унинг ўз ўрни бор эди. У Гулистон шаҳар фирқа қўмитаси бюроси аъзолигига сайланди. Қисқаси, Сирдарё вилоятида Нўъмонжон ўзидан яхши из қолдирди.

Аввал у, сўнг мен ҳам Тошкентга қайтдик. 1980 йили Нўъмонжон «Тошкент ҳақиқати» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. Шундан сал аввал Шароф Рашидов ҳузурида суҳбатда бўлганида раҳматли шундай деган эди:

— Таржимаи ҳолингизни ҳавас билан ўқиб чиқдим. Сиз газетачиликнинг беистисно барча поғоналаридан ўтган экансиз. Табриклайман.

Гап шундаки, Нўъмонжон ишни мусаҳҳиқликдан бошлаганди. Сўнг адабий ходим, бўлим мудири, котиб ўринбосари, масъул котиб ва муҳаррир ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатганди. Мана 13 йилдирки, у пойтахт вилоят газетасининг ижодий жамоасига бошчилик қиляпти. Бу ердаги аҳиллик, меҳр-оқибат, соғлом ижодий муҳит — аввало муҳаррирнинг хизмати мевасидир. У вилоят фаоллари ўртасида юксак обрў-эътибор топди, ишонгандай ишонардим. У

Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди.

ЯНГИЛИКЛАР БЎҚОАЛАР ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР БЎҚОАЛАР ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ТОЖИКЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

● **8 сентябрь куни Душанбедаги С. Айний номидаги опера ва балет театрида тожиклар ва хориждаги ватандошларнинг иккинчи халқаро форуми очилди. Форумга 21 хорижий мамлакатдан вакиллар келди.**

Тожикистон давлати бошлиғи, республика Олий Кенгаши раиси Имомали Раҳмонов форумда нутқ сўзлади. Ўша куни Борбад номидаги киноконцерт залида Тожикистон Республикаси санъаткорларининг катта концерти бўлди. 9 сентябрь куни эса меҳмонлар Душанбеда Тожикистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги тантаналарида қатнашди. Шаҳардаги Фрунзе номидаги стадионда мустақиллик кунига бағишланган байрам томошалари форум қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар 12 сентябргача республикада бўлишади. Улар Қўрғонтепа, Кўлоб шаҳарлари ва Ленинобод вилоятига сафар қилишади.

МИТТИ ТРАКТОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

● **Душанбедаги «Тожикгидроагрегат» заводида кичик тракторлар ишлаб чиқарадиган Тожикистон — Хитой қўшма корхонаси бунёд этилади.**

Хитойнинг Урумчи шаҳридаги трактор заводи жамоаси тожикистонлик ҳамкасблари билан бу борада шартнома тузишди. Шартномага мувофиқ Хитой технологияси асосида «Тожикгидроагрегат» заводида 12 яримдан то 60 от кучигача қувватга эга бўлган мини-тракторлар ишлаб чиқарилади. Яқинда тажриба учун Хитойдан ана шундай тракторлар олиб келиниб, харидорлар талаби ўрганилади. Шунингдек, Хитой томони «Тожикгидроагрегат» заводида тайёрланаётган қишлоқ хўжалик машиналарининг турли эҳтиёт қисмларини харид қилади.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЁРДАМИ

● **Термиз—Қўрғонтепа темир йўлининг қурилиши Жанубий Тожикистон халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қўрғонтепаликлар ўзбекистонлик мутахассисларнинг бу борадаги хизматини асло унутишмайди.**

Шу кеча кундузда 148 километрлик Қўрғонтепа—Кўлоб темир йўли қурилиши қизғин давом этяпти. Аллақачон бир неча километрга темир излар ётқизилиб, иккита кўприк қуриб битказилди. Бу ишда ҳам ўзбекистонлик темир йўлчилар астойдил ёрдам кўрсатишяпти. Шунингдек, республикада фуқаролар уруши туфайли вайрон этилган темир йўлларни тиклашда ҳам Тошкент ва Андижондан келган мутахассислар фаол иштирок этмоқдалар.

БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Япония ҳукумати томонидан Қирғизистонга қизамиқ, сил касаллиги ва полиомелитга қарши вакциналар бепул берилди.

Уларнинг қиймати 1 миллион Америка долларига тенгдир. Дорилар Бишкекка олиб келинди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига қараганда, 40 миллион Америка долларидан зиёд хорижий кредитлар эвазига Қирғизистон Республикасида дори-дармон тақчиллигига барҳам берилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ МАСЛАҲАТЧИСИ

Америка Қўшма Штатларидаги Гарвард университетининг профессори, таниқли иқтисодчи Жефри Сакс Қирғизистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Америкалик мутахассис республика раҳбарияти билан ҳудуд иқтисодиётига алоқадор масалалар, Қирғизистоннинг дунё мамлакатлари билан ўзаро алоқаларидаги муаммолар борасида суҳбатлашди.

УЛКАН ҒАЛЛА ҲОСИЛИ

⊙ **АЛМАТИ. Қозоғистон Давлат статистика қўмитаси бу йил бошоқли экинлар ҳосили ўтган йилга нисбатан кўп бўлишини башорат қилмоқда.**

Ҳосилдорлик гектар бошига 15 центнердан ҳисобланмоқда. Бу 2 центнер кўп демакдир. Умумий ҳосил 30 миллион тоннадан кам бўлмаслиги кўзда тутилмоқда.

УҚИШ УЧУН ПУЛ ТЎЛАШ КЕРАК

● **БИШКЕК. Қирғизистон давлат университетида қирғиз-америка қўшма бизнес, ҳуқуқ ва ижтимоий фанлар факультети очилди.**

У қирғиз университетининг халқаро алоқалар маркази ва АҚШнинг ЮСИА ахборот маркази ташаббуси билан ташкил этилди. Бу ерда ўқиш жуда ҳам қиммат. Бунинг учун олий ўқув юртини халқаро алоқалар маркази бўлғуси талабалар фондининг бўлимини шакллантирмоқда. Ушбу хусусий факультет Америка томони ва Қирғизистон ишбилармонларининг ўтказган пул маблағлари ҳисобига ишлайди.

ГРУЗИЯ ГАЗ ОЛАБОШЛАДИ

⊙ **АШГАБАТ. Мамлакат табиий ёқилғиси — газ Грузияга узатилиши маълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган эди.**

Грузия Президенти Эдуард Шевернадзенинг Туркманистонга давлат сафари билан келиб, тегишли ҳужжатлар имзоланганидан кейин, бу муаммо бартараф этилди. Туркман томонининг фикрига кўра, Грузия Туркманистонга истеъмол этилган газ учун 115 миллион АҚШ долларида қарзни узиш лозим. Икки давлат раҳбарининг учрашувида бу қарзнинг ярми шу йил охиригача ва қолган ярми эса келгуси йил тўланишига келишилди. Учрашувда 25 ҳужжат имзоланди. Бу дўстлик ҳамкорлик тўғрисида аҳднома ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги шартномадир.

Грузия газ масаласида бундай вазиятга тушиб қолган ягона мамлакат эмас. Қирғизистон 1 миллион 300 минг доллар қарзини сомлар билан тўлашни мўлжалламоқда. Арманистон 6 миллион доллар, Озарбайжон эса 34 миллион доллар газ пулини тўлаши лозим.

[Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди].

ЯНГИЛИКЛАР БЎҚОАЛАР ХАБАРЛАР

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 37

1993 йил 11 сентябрь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• *Бозор иқтисодиёти шароитларида*

ЎЙЛАНГАН ИШ ЎРИНСИЗ КЕТМАС

Зангиота туманн азалдан мева, сабзавот, .деҳқончилик маҳсулотлари билан ном қозонган. Эндиликда фақат шу тармоқлар бўйича аҳоли эҳтиёжини қондириш қийин. Туб иқтисодий ислоҳотлар раҳбарларидан ҳом ашё базасидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтишни талаб этмоқда. Зотан, ҳозирги пайтда отини тезроқ қамчилаган, атрофига ишбилармонларни кўпроқ тўплаб, меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларига ўта бошлаган раҳбаргина қоқилмаслиги мумкин. Туманнинг маркази ва бир неча хўжаликларида бўлган киши қисқа вақт ичида амалга оширилган кўламли ишларни кўриб, эртанги яхши кунларга ишонч ҳосил қилади. Давлатга пилла топшириш режаси ортиғи билан бажарилди. Ғаллакорлар ҳар йилгидан баракалироқ меҳнат қилиб, кўзда тутилганидан 302 тонна кўп маҳсулотни давлатга сотдилар. Аҳоли дастурхонига мева, сабзавот, картошка, гўшт, сут, тухум етказиб бериш давом этмоқда. Четдан картошка келтиришни кескин камайтириш мақсадида шу экин майдонлари анча кенгайтирилди. 270 гектар ерга серҳосил голланд картошкаси экилди. «Бўзсув» жамоа хўжалигида эса ушбу экин турига 63 гектар ер ажратилиб, Голландия мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Айни пайтда уруғлар бир текис униб чиқиб, яхши ҳосилдан дарак беряпти.

— Меҳнаткашларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшиламасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Жамил Маликов. — Юртбошимиз фармонларини ҳаётга татбиқ эта борib, айрим йўналишларда дуруст кўрсаткичларга эришдик. Масалан, айтайлик, ўтган йили ҳудудда газлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Лекин, янги иморат қурганлар, коттеж ёки хўжалик лар мамурияти томонидан қуриб берилган уйлар эгалари аризасига кўра уларнинг талабини қондиришни ҳисобга олсак, бу борада яна бир оз ишлашга тўғри келади. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Агар бу йил 36 километрли масофага газ, 24 километрга сув қувурлари тортилса муаммо ҳал қилинган бўлар эди. Хонадонларга томорқа участкалари беришда ҳам узилишларга йўл қўйилмади. Айни пайтда ўн минг оила ўз томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Тумандаги ҳар бир хўжаликда кичик саноат корхоналари қурилишига эришиш — шу йилнинг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйилган. Ҳозиргача 200 дан кўпроқ кичик корхона фаолият кўрсатиб, аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Уларда 3,5 минг нафар фуқарога қўшимча иш ўринлари яратиб берилди. Хориж билан қўшма корхоналар ташкил қилаётганимиз ҳар томонлама фойдали бўлишига ишончимиз комил. Ҳозирги кунда шундай корхоналардан тўрттаси самарали ишлаб турибди.

Ҳокимнинг гапларидан яна шу нарсалар маълум бўлдики, туман маркази янада ободонлашади. Янги бинолар қаторига ҳунармандчилик расталари қўшилади. Турли касб-кордаги кишилар тайёрлаган маҳсулот, моллар шу ернинг ўзида сотиладиган бўлади Маданий мерос ва қадриятларимизни қайта тиклаш мақсадларига қанча маблағ талаб қилинса, шунча сарфлаш кўзда тутилаётир. Чунки, маънавий бойлигимизни пул билан ўлчаб бўлмайди. Фақат Аҳмад Яссавий тариқатининг аллома давомчиси Зангиота мажмуини қайта таъмирлаш мақсадлари учун 45 миллион сўмлик маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Маълумки, яқинда Ҳожа Аҳмад Яссавий таваллудининг 900 йиллиги олдидан ўтказилган «Зангиота куни»да вилоят, туман ҳокимликлари, партия кенгашлари, хўжалик, ташкилот ва корхоналар томонидан шу фонд учун 15 миллион сўмга яқин пул тушган эди.

Дарвоқе, хўжаликлар тўғрисида гап кетганда, қисқа вақт ичида 5,5 миллион сўмлик қарздан узилиб, тумандаги жамоалар орасида пешқадам бўлиб олган Улуғбек номли давлат хўжалиги фаолияти ҳақида тўхталиш жоиз. Бу ерда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш деҳқончиликдан олинаётган даромаддан тўрт баробар кўп фойда келтираётганини таъкидлаш керак. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида деҳқончилик жамоага 16 миллион сўмлик соф фойда келтирган бўлса, бу кўрсаткич кичик корхоналар, вино заводи ҳамда қайта ишлаш тармоғида салкам 65 миллион сўмликни ташкил этди.

Гап шундаки, давлат хўжалиги директори Анвар Аҳмедов ишни қарздан қутулишдан, ишчилар ойлик маошларини ошириш ва уларга қулай шарт-шароит яратиб беришдан бошлагани муваффақиятлар гарови бўлди. Хўжалик аъзоларига 20 гектар ер томорқа участкаларига бўлиб берилгач, уларни қурилиш материаллари билан таъминлаш муаммоси кўндаланг турди. Маъмурият бунинг ҳам йўлини топди. Маҳсулот айирбошлаш ҳисобига Тюмендан 400 куб-метр ёғоч-тахта, Омскдан шифер, цемент каби камёб материаллар олиб келинди. Ҳудудда йилига 5 миллион дона хом ғишт ишлаб чиқариладиган цех ишлай бошлади. Бир минг тонна маҳсулотни сақлай оладиган музхона қурилди. Шифохона, 2 мактаб қурилиши тезкорлик билан олиб борилаётир. Ушбу мактаблардан бири яқинда ишга тушди. Консерва заводи маҳсулот чиқара бошлади. Кейинчалик йилига беш минг тонна қанд ишлаб чиқарадиган завод бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Мевалардан шарбат тайёрлайдиган линия ишга солинади. Хуллас, давлат хўжалигида ислоҳотнинг турли шаклларидан фойдаланиб, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларнинг амалий тус олаётганининг гувоҳи бўласиз.

Туманда фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига, фахрийларнинг эъзозланишига доир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида барча хўжаликларда ёрдамга муҳтож кишилар кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинди. Жумладан, «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикасида шундай кишиларнинг юз нафарига 15 минг сўмдан (ҳар бирига) пул, 4 бош сигир, «Бўзсув» жамоа хўжалигида 40 нафар кишининг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул, 5 оилага сигир берилди. Туман бўйича 900 га яқин кўп болали, кам таъминланган ёки ночор фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамолди тайёргарликларида «Мустақил диёр овози», «Энг тажрибали ҳамшира», «Тарбиячи — 93» каби конкурслар ўтказилиб ғолиблар Улуғ байрам куни тақдирландилар. Худди шу куни 320 ўринли мактаб, «Деҳқон бозори», никоҳдан ўтиш биноси фойдаланишга топширилди.

— Ўз фахрийларини эъзозлаган раҳбарлар ҳеч қачон кам бўлмайдилар, — дейди Зангиота тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, ХДП аъзоси Убайдулла ака Абдуллаев, — агар туманимизда 16,5 минг нафар фахрий бўлса, шуларнинг ҳаммаси маълум ғамхўрликлар билан қуршаб олинган. Ҳар йили 50 — 60 киши ҳокимликнинг бепул йўлланмаси билан республикамизнинг диққатга сазовор жойларига сайр қиладилар. Кейинги йилларда Фарғона водийси ва Бухорои шарифга сафаримиз ғоят қизиқарли ўтди.

Тумандаги ижобий силжишлар, миллий қадриятларга ҳурмат, маданий меросимизга бўлган катта эътибор, фахрийларга ва ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида фахрийлардан Жалил ака Ҳайдаров ҳамда Раҳмат ака Усмоновлар ҳам фахрланиб гапириб беришди.

Кишилар кўнгли, кайфияти кўтарилган жойда эса ишлар ҳамиша олдинга кетиши тажрибалардан маълум. Мазкур туманда ҳам пировард натижалар худди шундай бўлишига шубҳа йўқ.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЛЮТА ҲИСОБЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Банк дунёси 40 йилдан ортиқ вақтдан буён мижозлар билан махсус банк карточкалари ёрдамида нақд ҳисоб-китоб юритишнинг қулай тизимларидан фойдаланмоқда. Ҳозирги вақтда бу тизим кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди, карточкалар турлари сони ва кўрсатиладиган хизматлар тури кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб VISA International халқаро тўлов тизимининг аъзоси бўлди ва ўзининг VISA пластик карточкаларини чиқаришга киришмоқда.


VISA карточкаларининг соҳиби бўлсангиз, Сиз хорижга чиқиш чоғида ёнингизда нақд хорижий валюта олиб юриш заруратидан халос бўласиз, жаҳоннинг 154 мамлакатида VISA карточкалари эгаларига хизмат кўрсатувчи 10 миллион пунктда моллар харид этишда ва хизмат ҳақини тўлашда (меҳмонхоналар, ресторанлар, авиакомпаниялар, магазинлар, автомобиллар прокати ва ҳ.,) фойдаланиш имкониятига эга бўласиз. Карточкалар ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга оширишдан ташқари Сиз бутун жаҳон бўйлаб жойлашган касса хизматининг 350 пунктида ва 130 минг банкоматида нақд валютани олишингиз мумкин.
Шундай хизматлар Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўрсатилади.

Ҳақикий ишбилармон банк пластик карточкасига эга!
Ўзбекистон миллий банки таклиф этаётган VISA карточкаларидан фойдаланинг!
БУ ФОЙДАЛИ, ҚУЛАЙ ВА НУФУЗЛИДИР!

Сизнинг омонатингиз ва операцияларингиз сири қонун билан кафолатланади.

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ 33-90-96 (9дан 12гача)

ҚУЁШГА ТИК БОҚҚАН ТАБИБ



Айтишларича, офтобга тирик жонзодлар ичида фақат арслонгина тик боқа олар экан. Шернинг бу қудратидан инсон зоти лол. Шер барибир, шер-да. Бироқ Ўрта Осиёда ягона инсоний табиб Абдуғаффор Абдуллаев ҳам қуёшга тик қараб истаганича туради.

Қуёшга қанча қарасам шунча қарагим келади, дейди унинг ўзи. Тонгдаги илк машқи — қуёшга термулиш. Шу палла унинг заррин нурлари энг ёруғ маҳалдир. Уч хил қора нуқта бор офтобда, дейди у. Худди чақмоққа ўхшаб учта нур ёниб туради. Ранглар — қизил, сариғиш, ҳаво ранг. Унга тикилганим сайин яқинлашиб бораётгандек бўламан. Яйраб кетаман...

Бугун экстрасенс деганлари Чингиз лашкаридан ҳам кўп. Аммо экстрасенс бошқа, биотоқ бошқа. Абдуғаффордаги илоҳий қудрат бошқа. У ҳали сиз билан, биз кўрмаган, эшитмаган, номини атамаган мутахассис — Ўрта Осиёда таъбир жоиз бўлса ягона нигоҳий табибдир.

Абдуғаффордаги бу хислат яратганнинг инъомидан бўлак нарса эмас. У беморнинг кимлигини ҳам сўраб суриштирмайди. Жуда қизиқса исмини сўрайди. Бунақа камгап ва содда табиб бошқа борми йўқми, худонинг ўзи билади холос. У беморни илк кўргандаёқ унга таъсир ўтказиб шифо бера олади. Ў беморнинг пешонасига ўткир нигоҳини қадаб турар экан, оғриқнинг қолиши шундоқ кўз ўнгида рўй беради.

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА НИГОҲИЙ ТАБИБ АБДУҒАФФОР АБДУЛЛАЕВ КЎПЛАБ БЕМОРЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРИГА АСОСАН 10 СЕНТЯБРДАН 25 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ТОШКЕНТ ШАҲАР «ТОШКЕНТ» МЕҲМОНХОНАСИНИНГ 331-ХОНАСИДА СОАТ 9.00 дан СОАТ 19.00 га ҚАДАР ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

• *Тадбиркорлар бор бўлсин*

КЎНГЛИ ТЎҚНИНГ—КЎЗИ ТЎҚ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг кўнглини билиб иш тутиш, кадрлар билан ишлаш меҳнатни оқилона ташкил этишга боғлиқ. Бунинг исботини Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги «Марксизм» жамоа хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Шоймардон Ҳайитовнинг мазкур хўжаликка раис бўлганига 4 йил бўлди. Хўжаликда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари бирдек ривожланмоқда.

Тадбиркор раис ўз атрофига ишбилармон кадрларни тўплаб, улар билан бамаслаҳат иш тутмоқда. Шу боис йиллик режалар ортиғи билан уддаланаётганлиги бежиз эмас. Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш борасида ташкилотчилик ишлари замон талаблари асосида кучайтириб юборилди. Хўжалик бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда ислоҳотни амалга ошириш тадбирлари қайта кўриб чиқилди, кўпгина масалаларда аниқлик киритилди.

Иқтисодий қийинчиликни енгишда одамлар руҳини кўтариш, уларга мададкор бўлиш, муаммолар ечимини топиш, фаоллар, тажрибали одамлар билан бамаслаҳат иш тутиш жуда қўл келяпти. Чунончи, хўжаликда бу йил 270 қути қурт уруғидан 17 тоннаю 100 килограмм пилла етиштирилди, бу режада кўзда тутилганидан 3,5 тонна ортиқдир. Шуни ҳам айтиш керакки, Республикамиз Президенти пилла харид нархини оширди, одамларнинг бу соҳадан моддий манфаатдорлигини кўтарди. Нуркобил Отамуродов икки қути қурт уруғидан 237 килограмм, Боғгул Ҳайитова шунча қутидан 287 килограмм, Нурмат Норбоев эса 242 килограмм пилла топширдилар. Ўнлаб звенолар пилла топшириш режасини 2—2,5 баравар қилиб бажардилар.

Хўжаликда дастлабки муваффақият бошқа ишларга ҳам барака киритади, деган гап бор. Жорий йилда мавжуд 3000 гектар майдондан 1646 тонна ғалла олиш кўзда тутилган эди. Лалми ерларда ва суғориладиган ерларда ғалла яхши бўлди. Содиқ Чоршанбиев етакчилик қилаётган ғаллачилик бригадасида лалми ерларнинг ҳар гектаридан 17—18 центнер ҳосил олинди.

Шоймардон Ҳайитов бошлиқ жамоа хўжалигининг пахтакорлари бу йил 1683 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Режа — 3800 тонналик хирмон кўтариш. Лекин хўжалик аъзолари ундан оширишни кўзламоқдалар. Хўжаликнинг Эшбобо Тожиев, Ўрол Келдиёров, Қурбонмурод Пардаев, Поён Норбўтаев, Турсунпўлат Норқобилов сингари тажрибали бригадаларида мўл ҳосилга замин бор. Улар ўтган йили гектаридан 38—39 центнердан ҳосил кўтаришган эди. Бу йилги режалари эса катта— ҳар гектар майдондан 40—45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда. Хўжаликдаги барча пахта майдони оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. А. Узоқов, В. Азимова, Қ. Раҳмонов, Н. Эрматов каби ўнлаб оилавий пудратчилар моддий манфаатдорликни тушунган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республикамиз Президенти И. Каримов ҳар бир соҳага тадбиркорлик билан муносабатда бўлишни, эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолавермасликни, салмоқли натижаларга эришишни, бунинг учун бозор иқтисодиёти қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамиша ишбилармонлик билан иш тутишни ва олға интилишни вазифа қилиб қўйди. Бу айни ҳаёт талабидир. Шоймардон Ҳайитов шуни эътиборга олган ҳолда акционерлик жамоа фирмаси ташкил этишни режалаштирмоқда. Хўжалик раҳбари одамларнинг маънавиятини бойитишга, қадриятларимизни кўтаришга, ёшларни дадиллик билан раҳбарлик ўринларига кўтаришга алоҳида эътиборни қаратмоқда.

Хўжалик бошқарувидан мамнун бўлган жамоанинг руҳи баланд, ғайрат-шижоати жўшқин. Эртанги кунга ишончи ҳам катта.

Равшан МИРЗАЕВ,
меҳнат фахрийси.

Хотамтой XXI АСР
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАРИ!

«ХОТАМТОЙ XXI АСР» масъулияти чекланган жамият ва Ўзбекистон Республикаси «НАВРЎЗ» хайрия жамғармаси

Сизларга шуни маълум қилишадики, «МЕҲРИБОНЛИК» лотереясининг тиражи, бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, шу йилнинг 1 октябрига кўчирилади. Шу муносабат билан узримизни қабул этгайсиз.

«БУРЧ» ЛТД

ҚИЧИК КОРХОНАСИ

Прессларш усули билан тупроқдан (сувсиз ва цементсиз) ғишт тайёрлайдиган кичик қурилмани

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ

Бир соатда 150 донадан 600 донагача ғишт ишлаб чиқаради.

Тайёрланган ғиштнинг мустаҳкамлиги «М—50» марқалидан паст эмас.

Бизнинг қурилма пулларингизнинг қадрсизланишидан сақлайди. Бу қишлоқ хўжалиги қурилишида айни асқотувчи қурилмадир. Бизлар монтаж, ўқитиш, кафолатли хизмат кўрсатишни амалга оширамиз.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри 700143, Ф. Хўжаев кўчаси, 34. СПКБАиВТ 301-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: 62-52-91, 22-32-51.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1994 йил учун аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси.
2. Суюқлик, газ ва плазма механикаси.
3. Бино ва иншоотларнинг қурилмалари қурилиши.

Ҳужжатлар 1993 йил 20 сентябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1993 йил 1 октябрдан 31 октябргача ўтказилади.

Маълумот учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 703047. Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси 70-уй. Аспирантура бўлими.

Телефон: 37-18-78.



Кампир шумлик қилиб бизни,
Боплаганга ўхшайди.

Наҳот бериб шунча сўзни,
Шу чоққача келмайди.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ДИҚҚАТ!

«Узкоопқурилишмонтаж» трести тугатилиб, «Узкоопстройснаб» Акционерлик жамияти тузилди.

Даъволар бир ой муддат ичида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади.

700057, Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 5-уй.

Телефон: 48-42-14.

Моддий-техника таъминот идораси РПО «Узагроводоканал»нинг фаолияти

ТЎХТАТИЛДИ

Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бунда сиз бош оғриғи, оёқ ва қўл, жигар ва буйрак, ошқозон, томоқ оғриқларига ҳамда аёллар касалликларига шифо топасиз.

Нафас сиқиши ва қон босими паст ва баланд бўлганларга, шунингдек, юрак ўйнаш ва юрак оғриғи бор беморларга ҳам сеанс давримда ижобий таъсир ўтказилади, оғриғи тўхтайди.

Бундан ташқари нигоҳий табиб кучсизланиб қолган соат, радио ва магнитафон батареяларини, машина аккумуляторларини ҳам кўз нури орқали зарядлаш, яъни қувватини ошириш имкониятига эга.



Корхоналар, ташкилотлар, фирмалар раҳбарлари диққатига!
Ҳурматли ишбилармонлар! "Ўз-Эллас" Ўзбекистон-Юнон қўшма корхонаси 1993 йилда гугурт ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Катта фойда олиш ва катта муваффақиятлар қозонишни истасангиз ўз рекламангизни бизнинг маҳсулотимизда жойлаштиришингизни таклиф этамиз. Сизнинг рекламангиз бизнинг маҳсулотимиздан жой олиши - Сизни Ўзбекистон ва қўшни жумҳуриятларда танилишингиз гаровидир.

"ЎЗ-ЭЛЛАС" ҚЎШМА КОРХОНАСИ: - малакали юрист - инглиз, рус ва имкон борича ўзбек ва юнон тилларини мукаммал эгаллаган таржимон мутахасисслари бўйича доимий ишга таклиф этади - бертолет тузи, сурьма, хром-эрзац қогози, марганец-руда концентрати каби хом ашёларни жумҳуриятимизга келтиришга имконияти бор корхона, ташкилот ва фирмаларни ўзаро фойдали шартнома асосида ҳамкорликка таклиф этади.

Манзилимиз:
Тошкент, Х.Олимжон майдони, 3 "б" уй.
Телефон 34-80-13.


UZHELLAS
ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРЕЦИЯ
БИРЛАШГАН КОРХОНАСИ

*

Эру хотин, уч ўғил,
Бораркан бозор сари.
Уларнинг бунча ҳар хил.
Бўлмаса илдамлари.
Қийинмас буни англаш:
Турмуш дегани шу-да.
Олинган мўмай маош,
Отанинг чўнтагида.

С. МАҲКАМОВ
олган сурат.

*



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
17 сентябрь соат 18.00 да

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 2 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ
ТЎЙГА МАРҲАБО!

«ШОДЛИК» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

Солистлар: Илҳом ЖЎРАЕВ, Муроджон СОҲИБОВ, Раҳима НОСИРОВА, Раъно ЗОКИРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Марьям НОСИРОВА, Гулмира ШИРИНОВА, Ўткир СИДДИҚОВ, Абдукодир ЮСУПОВ, Хотам ХОЖИЕВ, Турсуной САПАЕВА.

Рақсчилар ва созандалар гуруҳи иштирок этадилар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА.

Режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори ФЕРУДДИН САФАРОВ.

ЧИПТАЛАР Сарой кассаларида ҳамда метро бекатларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛУВЧИЛАРДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телефонлар: 33-37-69, 33-73-10.

ЭЪЛОН, ЭЪЛОН, ЭЪЛОН

Тошкент шаҳридаги Республика «Кооператорлар уйи»да шу йилнинг 13 сентябридан 18 сентябригача 1994 йилга Республика пойафзал улгуржи савдо ярмаркаси

ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада иштирок этиш учун Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси, маҳаллий саноат давлат корпорацияси, Ўзбекистон давлат кимё концерни, Республика Ички ишлар вазирлиги, пойафзал корхоналари, барча турдаги хусусий ва қўшма корхоналар ҳамда «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» савдо корхоналари, «Узконтракторг» таклиф этилади.

Иш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача.

ЯРМАРКА МАЪМУРИЯТИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1993 йил 8 сентябрдан Республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1	Австралия доллари	644 сўм 76 тийин
1	Австрия шиллинги	87 сўм 66 тийин
1	Англия фунт стерлинги	1521 сўм 55 тийин
10	Бельгия франки	284 сўм 94 тийин
1	немис маркаси	616 сўм 94 тийин
1	Голланд гульденги	549 сўм 81 тийин
1	Дания кроні	149 сўм 69 тийин
100	Италия лираси	63 сўм 69 тийин
1	Канада доллари	751 сўм 06 тийин
1	Норвегия кроні	141 сўм 37 тийин
1	АҚШ доллари	995 сўм 00 тийин
1	Финляндия маркаси	173 сўм 94 тийин
1	Француз франки	175 сўм 42 тийин
1	Швед кроні	125 сўм 84 тийин
1	Швейцария франки	701 сўм 45 тийин
10	Япония иени	95 сўм 81 тийин
1	ЭКЮ	1166 сўм 34 тийин
10	Испан песети	75 сўм 49 тийин
10	Греция драхми	43 сўм 34 тийин
1	Ирландия фунти	1423 сўм 85 тийин
1	Исландия кроні	14 сўм 35 тийин
1	Қувайт динори	3328 сўм 65 тийин
10	Ливан фунти	5 сўм 77 тийин
10	Португалия эскудоси	59 сўм 97 тийин
1	Сингапур доллари	620 сўм 90 тийин
10	Туркия лираси	0 сўм 85 тийин

ТАШКИЛОТ

1. Япониянинг «Тошиби» фирмасида ишлаб чиқарилган 11 киловаттдан 75 киловаттгача бўлган, минутига 750—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган асинхрон электрдвигателларини;

2. Ватанимизда ишлаб чиқарилган, 2,2 киловаттдан 5,5 киловаттгача бўлган, минутига 950—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган электрдвигателларини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Мурожаат учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 78-67-21, 45-75-67.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик ассоциациясининг транспорт экспедиция базаси номи ўзгарди.

У энди «Ўздавпахтасаноатсотиш» ассоциациясининг республика Марказий таъминот базаси

ДЕБ АТАЛАДИ

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

«ЎЗБЕКИНТУР»
РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Сизларни қизиқарли ва ажойиб саёҳатларга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

СУРИЯ (Алепо) чартер рейси билан — 5—7 кун.
БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ (Шарджа — Дубай) — 7 кун.
ТУРКИЯ (Истанбул) — 7 кун.
ЭРОН (Машҳад) — 5—6—7 кун.
ТАЙЛАНД (Бангкок) — 7 кун.
ТАЙЛАНД (Бангкок — Паттайа) — 7 кун.
ОЛМОНИЯ (Любек) денгиз орқали — 10 кун.
ОЛМОНИЯ (Гамбург) денгиз орқали — 10 кун.
ГОЛЛАНДИЯ (Роттердам) денгиз орқали — 10 кун.
ПОЛЬША, ОЛМОНИЯ, ФРАНЦИЯ — 7 кун.

ДИҚҚАТ: Энг арзон нархлар!

«Ўзбекинтур» бирлашмаси фақат 1 марта 15 сентябрда Туркиянинг Истанбул шаҳрига 7 кунлик саёҳатга чартер рейс ташкил қиляпти. Саёҳатнинг нархи: 240 АҚШ доллари ва 60000 сўм.

Бу нархга самолёт харажатлари, меҳмонхонада 2 кишилик хоналарда жойлашиш, икки маҳал овқат, автобусда кутиб олиш ва кузатиш киради.

Агарда Сизларни бизнинг саёҳатларимиз қизиқтирган бўлса қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
67-53-87, 67-47-62.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли, 115 («Саёҳат» меҳмонхонаси ортида).

«ЗИНГЕР»
ЎЗБЕК — ТУРК
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
«АКАТЭКС»
ТЕКСТИЛЬ
САНОАТ ВА
ТИЖОРАТ ЛТД»

Ўзбек, турк, инглиз тиллари ва компьютерни билувчи КОТИБни, камида беш йиллик стажли БОШ БУХГАЛТЕРни, тўқиш ва тикувчилик дастгоҳлари бўйича МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6.

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76--04, 32-53-15, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 324, 330-хоналар.
Индекс: 75487.

Боқий шажара

Кўҳна Хоразм:

МИЛОДДАН АВВАЛГИ БИРИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК

(УЧИНЧИ МАҚОЛА)

Ўлкамизнинг энг қадимий тарихий даврларини ёритишда биз археологик қазишмалар натижалари, маҳаллий ёзма адабиёт намуналари (масалан, «Авесто»), кўҳна эроний ёзувлар, юнонлик, хитойлик муаллифлар ёзиб қолдирган гувоҳликлардан кенг фойдаланамиз. Албатта, бу борада қиёсий ўрганиш, тарихий-маданий тараққиёт қонунлари, анъаналарини ёдда тутиш каби илмий-мантиқий усуллардан истифода этиш ҳам муҳимдир.

Милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларида аждодларимиз темирни қайта ишлашни ўрганиб олдилар. Демак, ҳар қандай тараққиётнинг турткиси бўлиб келган меҳнат қуролларининг такомиллаши учун кенг йўл очилган. Бу эса ўз ўрнида инсон фаолиятининг кенгайиши ва жадаллашишига сабаб бўлган. Мазкур ҳол жамиятнинг барча соҳалари: сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, халқаро муносабатларда тегишли сифат ўзгаришлари ҳосил бўлиб боришига туртки бўлган бошомилдан бири ҳисобланади.

Илмий изланишлар шундан гувоҳлик беради, милоддан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ минтақада тоғ жинсларини қайта ишлаш (масалан, темир, олтин, қалай, қўрғошин ва ҳоказо), улардан жанг, меҳнат қуроллари ясаш, кулолчилик, тўқувчилик, қурувчилик, заргарлик, кемасозлик каби соҳалар ривож топган. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда бунда ҳеч бир ажабланарли жой йўқдек кўринса-да, аммо 2500—3000 йил муқаддам мавжуд шарт-шароитлар юзасидан олганда мазкур тарихий гувоҳликлар ғоят сермазмун аҳамият касб этиши лозим. Зеро, ўша узоқ ўтмиш замонларда дунё харитасида тарихий-маданий равнақнинг ана шундай юқори босқичида турган маъмурий ўлкалар сони бармоқ билан санарли бўлган.

Худди шу даврда ўлкада узунлиги бир неча ўн километр, эни бир неча ўн метрни ташкил этган каналлар қазилган. Милоддан аввалги VIII—VI асрлардаёқ Хоразмда улкан сунъий суғориш тизимлари ишлаб тургани маълум. Сунъий суғориш ишларининг бу даражада эътиборли бўлганлиги аждодларимиз ҳаётида деҳқончиликнинг тутган ўрнидан далолат беради. Ҳақиқатан ўша вақтларда дон, мой берувчи ўсимликлар етиштириш, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик соҳалари муносиб равишда йўлга қўйилганлигини археологларимиз исботлаб беришган.

Юқорида тилга олинган ёзма манбаларга кўра милоддан аввалги 1 минг йиллик биринчи ярмида (ва кейинги даврларда ҳам) қадимги аждодларимиз массагетлар, шаклар (саклар) каби номлар остида маълум бўлганлар. Воқеаларда яшовчи аҳолининг шу жой номи билан аталиб келганини манбаларда келтирадиган хоразмийлар, суғдликлар, бақтрияликлар, парфияликлар каби маълумотлар мисолида кўриш мумкин.

Оташпарастликнинг (зардуштийлик) муқаддас китоби «Авесто» (милоддан аввалги VIII—VII асрлар) даги маълумотларга кўра жамият ҳаётида коҳинлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ҳамда ҳунармандлар каби табақалар мавжуд бўлган.

Аждодларимиз ички тараққиётни бир маромда тутиш билан бирга ташқи муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Масалан, милоддан аввалги III—II минг йилликларда ўлкамиз Шимолий Ҳиндистон, ал-Жазира (Месопотамия), Миср каби мамлакатлар билан борди-келди қилган. Қадимдаги ташқи алоқаларимизнинг Эрон ҳудудида асос солингани Мидия давлати билан бўлган томонлари диққатга сазовордир. Мидия кўҳна Осурия, Урартуга каби давлатларни ўзига бўйсиндирган қудратли давлат (милоддан аввалги VII—VI асрлар) ҳисобланади. Воҳоланки, Мидия давлатининг барпо бўлишида аждодларимиз ҳиссаси бўлганлиги манбаларда аниқ кўрсатиб қолдирилган. Кучга кириб олгандан кейин эса Мидия минтақамизга таҳдид сола бошлайди. Шулардан бири ҳақида юнонлик Диодор (милоддан аввалги 1 аср) қуйидагича ҳикоя қилади: «Артин» подшоҳлиги даврида парфияликлар мидияликлардан ажралиб чиқиб, ўз ер ва шаҳарларини шаклларга топширдилар. Шунда шаклар ва мидияликлар ўртасида уруш бошланди.. Охири (ўзаро) сулҳ тузилди... Шак подшолари мидиялик асирларни Танаиду (яъни Сирдарё—А. З.) томон кўчириб кетдилар».

Энди ўз-ўзидан бир мантиқий савол туғилади: ўз замонаси учун шундайин жадал ва сермазмун сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, халқаро муносабатлар тизгинсиз бир мексизликда кечганми ё уларни жиловлаб турадиган, манфаатли равишда тартиб доирасига солувчи тизим мавжуд бўлганми? Албатта шундай тизим бўлган ва бу давлат ва давлатчилик тизимидир. Ўша ўз даври учун «баҳайбат» каналлар қурилиши, яратилган сунъий суғориш шохобчаларини идора этиш, давлатчилик тартиблари йўлга қўйилган, шундоқ ёнгинада жойлашган қудратли салтанат билан тенгма-тенг муносабатда бўлиш маълум бир сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий асосларда уюшмаган макондa юз бериши мумкинми? Албатта, йўқ. Хуллас, милоддан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмида, аниқроғи VIII—VI асрлардаёқ ўлкада давлатчилик асослари узил-кесил таркиб топган дейишга ҳақлимиз.

Мазкур давлатчилик асослари **Кўҳна Хоразм давлат** фаолиятида муайян тизим сифатида тараққий этиб борган. Ўлкамиз тарихига оид энг қадимги ёзма гувоҳликларни ўзида мужассамлантирган «Авесто»да минтақанинг Хоразм (Каризем, Айрйанам—вэжо), Суғдиёна (суғдлар макони Гава), Марв (Моуру), Нисо (Нисайа), Ария (Харайва), Бақтрия (Бахди) каби бир қатор тарихий вилоятлари номи тилга олинган. Бунда воқеалар баёни Аҳура Мазда номидан бериб борилади: «Мен, Аҳура Мазда, энг афзал макон ва мамлакатлар сирасидан Айрйанам—вэжони,.. сўнгра суғдлар яшовчи Гавани, кейин эса Моуруни,.. тўртинчи бўлиб Бахдини,.. бешинчи бўлиб Моуру ва Бахди оралиғидаги Нисайани... яратдим». Кўринниб турганидек мазкур манба битилиш арафасида (?) тилга олинган «макон ва мамлакатлар» ҳақиқатан ҳам алоҳида бир макон, аниқроғи бир катта вилоят сифатида шаклланиб бўлган, маълум бир асослардаги чегаралари ҳам бўлган. Бу шаклланиш жараёни бир зумда содир бўлмагани ҳам табиий. Бошқача айтганда то номлари «Авесто» саҳифаларида зикр этилгунга қадар ҳеч бўлмаганда иқтисодий-жуғрофий макон сифатида узоқ муддат давомида шаклланиб борганлар. Мазкур жараён минтақадаги Амударё, Зарафшон, Атрек, Гургон, Мурғоб, Тажан (Ҳарируд), Қундуз каби дарёлар воҳаларида кечган. Шунга кўра милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларидаёқ ўлкада Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия Ария (Арйана), Парфия, Гиркания, Марғиёна ҳамда Фарғона каби вилоятлар мавжуд бўлган. То Аҳамонийлар босқинига қадар (милоддан аввалги VI аср) ўлка асосий қисмини бирлаштириб турувчи омил бўлиб Хоразм ҳисобланган. Афсуски, бу даврда Хоразмда ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида биз бирнима деёлмаймиз. Аммо ривоят ва афсоналарга кўра Хоразмнинг энг қадимий сиёсий сулолалари сифатида Сиёвушийлар тилга олинади. «Авесто» бўйича Сиёваршон Кавоуснинг ўғли бўлган. Сиёваршон ўлимидан сўнг унинг набираси Кова Хисрав бобоси қотилидан ўч олиб Хоразмда биринчи сулолага асос солади.

Аҳамонийлар тажовузи арафасида Хоразм Сирдарёдан Ўрта Афғонистонгача бўлган ерларни (Бақтрия ва Гирканияни бундан мустасно) ўз таъсир доирасида тутиб турган сиёсий куч сифатида гавдаланади.

Милоддан аввалги VI аср ўрталарида эслатилган Мидия давлатига тобе ҳисобланган Эроннинг жанубий-ғарбидаги қабилалардан бири Аҳамонийлар кучга кириб аввал Форс вилоятида, Мидияни енггач эса тамом Эронда ҳукмронлик қила бошлайдилар. Энди ўз-ўзидан аҳамонийлар ва Хоразм ўртасида ўлканинг бой вилоятлари учун кураш авж олиши табиий эди. Аҳамонийлар давлати асосчиси Куруш (Кайхсирав, Кир) 11 катта қўшин тўплаб, юнонлик Геродот (милоддан аввалги V аср) тили билан айтганда «кўп сонли ва қудратли массагетларга қарши» жангга отланади. Бу вақтда уларнинг подшоҳи вафот этган бўлиб, бошқарув унинг хотини Тўмарис ихтиёрида эди. Куруш худди шу Тўмарис билан жангда ўз ажалини топади (Геродот). Геродотнинг кичик замондоши Ктесий (вафоти милоддан аввалги IV аср) келтирган маълумотда эса Куруш шаклар подшоҳи Аморғнинг хотини Спаретра билан урушган. Унинг ўлими бу жанг билан боғланмаган. Милодий II аср юнон тарихчиси Полиен қуйидагиларни ёзиб қолдирган: шак подшолари Саксафар (Хоразм ҳукмдори(?)), Аморғ (шаклар подшоҳи), Тўмарис (массагетлар маликаси) Дорога қарши ҳаракат режасида бўлиб турганларида, улар олдига Широқ исмли отбоқар келади ва агар оиласи тирикчилигидан хабар олиб туришга ваъда берилса, якка ўзи душман хавфини қайтаришга уриниб кўришини айтади. Подшолар таклифни қабул қилиб қасам ичадилар. Шунда қулоқ, бурнини кесиб танасини қора қонга бўяган Широқ Доро ҳузурига бориб шак подшолари устидан унга арз қилади. Доронинг унга раҳми келиб ҳамда «мен форслар кучи билан ўз душманларим таъзирини бермоқчиман» деган сўзларига чиппа ишониб уни ўз ёнида қолдиради. Широқ эса Дорога шаклар турган жойга қўққисдан бошлаб бораман деб ваъда беради. Етти кунлик егулик ва ичкиликни ғамлаб, Доро ва унинг қўшини Широқ раҳнамолигида йўлга тушадилар. Қумликлар узра анча йўл босиб қўйганларида Доронинг мингбошиси Раносбат Широқ ҳийласини фаҳмлайди ва ундан: «Айтчи, шундай улуғ подшоҳни лақиллатиб, форсларнинг шунча кўп лашкарини на бир ўт, на бир қушу, на бир ҳайвон кўринадиган, илгари юрсанг ҳам, ортга қайтсанг ҳам бенаф бундай чўлу биёбонга бошлаб келишга сени нима мажбур қилди?!» деб сўрайди. Широқ қўлларини ўйнатиб, қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб «Мен ютдим, ватандошларим—шаклардан хавфни бартараф этиш учун очлик ва ташналикда форслар (лашкарини) ўласи қилдим-ку» жавобини бериб-ди. Раносбат шу заҳотиёқ унинг калласини олибди. Тасодифан ёғиб қолган ёмғиргина Доронн буткул ҳалокатдан сақлаб қолган экан.

Бирон бир манба асли Хоразм ва унинг таъсир доирасида бўлган ерларни қай тарзда Аҳамонийлар тобелигига тушиб қолганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот бермайди. Аммо Доро I (милоддан аввалги 522—486) буйруғи билан Беҳистун қоясига ўйиб битилган ёзувга кўра Хоразм, Суғдиёна, Ария, Парфия Аҳамонийларга қарам 23 вилоят (мулк, сатрапия) қаторида санаб ўтилади. Айни гувоҳликларни Персополдаги ёзувлардан ҳам топиш мумкин. Лекин Доро I дафн тошн битикларида тобе мулклар рўйхатига Суғдиёна, Ария ва Парфия киритилган холос, Хоразм эса бу қаторда йўқ. Геродот қолдирган маълумотларда айтилишича, Парфия, Хоразм, Суғдиёна, Ария аҳамонийларга қарам XVI округни ташкил этиб йилига 300 талант солиқ тўлаб турганлар. Хуллас, яна бир қатор ёзма гувоҳликларни мантиқий мушоҳада этган ҳолда Аҳамонийлар—Хоразм муносабатларининг бу даврдаги аҳволи тўғрисида қуйидаги фикрга келиш мумкин. Хоразм ўз таъсир доирасидаги вилоятлар (Суғдиёна, Парфия, Ария)да мавқеини сақлаб қолиш ниятида расман Аҳамонийлар устунлигини тан олган ва зикр этилган Бу вақтда уларнинг подшоҳи вафот этган бўлиб, бошқарув унинг хотини Тўмарис ихтиёрида эди. Куруш худди шу Тўмарис билан жангда ўз ажалини топади (Геродот). Геродотнинг кичик замондоши Ктесий (вафоти милоддан аввалги IV аср) келтирган маълумотда эса Куруш шаклар подшоҳи Аморғнинг хотини Спаретра билан урушган. Унинг ўлими бу жанг билан боғланмаган. Милодий II аср юнон тарихчиси Полиен қуйидагиларни ёзиб қолдирган: шак подшолари Саксафар (Хоразм ҳукмдори(?)), Аморғ (шаклар подшоҳи), Тўмарис (массагетлар маликаси) Дорога қарши ҳаракат режасида бўлиб турганларида, улар олдига Широқ исмли отбоқар келади ва агар оиласи тирикчилигидан хабар олиб туришга ваъда берилса, якка ўзи душман хавфини қайтаришга уриниб кўришини айтади. Подшолар таклифни қабул қилиб қасам ичадилар. Шунда қулоқ, бурнини кесиб танасини қора қонга бўяган Широқ Доро ҳузурига бориб шак подшолари устидан унга арз қилади. Доронинг унга раҳми келиб ҳамда «мен форслар кучи билан ўз душманларим таъзирини бермоқчиман» деган сўзларига чиппа ишониб уни ўз ёнида қолдиради. Широқ эса Дорога шаклар турган жойга қўққисдан бошлаб бораман деб ваъда беради. Етти кунлик егулик ва ичкиликни ғамлаб, Доро ва унинг қўшини Широқ раҳнамолигида йўлга тушадилар. Қумликлар узра анча йўл босиб қўйганларида Доронинг мингбошиси Раносбат Широқ ҳийласини фаҳмлайди ва ундан: «Айтчи, шундай улуғ подшоҳни лақиллатиб, форсларнинг шунча кўп лашкарини на бир ўт, на бир қушу, на бир ҳайвон кўринадиган, илгари юрсанг ҳам, ортга қайтсанг ҳам бенаф бундай чўлу биёбонга бошлаб келишга сени нима мажбур қилди?!» деб сўрайди. Широқ қўлларини ўйнатиб, қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб «Мен ютдим, ватандошларим—шаклардан хавфни бартараф этиш учун очлик ва ташналикда форслар (лашкарини) ўласи қилдим-ку» жавобини бериб-ди. Раносбат шу заҳотиёқ унинг калласини олибди. Тасодифан ёғиб қолган ёмғиргина Доронн буткул ҳалокатдан сақлаб қолган экан.

Бирон бир манба асли Хоразм ва унинг таъсир доирасида бўлган ерларни қай тарзда Аҳамонийлар тобелигига тушиб қолганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот бермайди. Аммо Доро I (милоддан аввалги 522—486) буйруғи билан Беҳистун қоясига ўйиб битилган ёзувга кўра Хоразм, Суғдиёна, Ария, Парфия Аҳамонийларга қарам 23 вилоят (мулк, сатрапия) қаторида санаб ўтилади. Айни гувоҳликларни Персополдаги ёзувлардан ҳам топиш мумкин. Лекин Доро I дафн тошн битикларида тобе мулклар рўйхатига Суғдиёна, Ария ва Парфия киритилган холос, Хоразм эса бу қаторда йўқ. Геродот қолдирган маълумотларда айтилишича, Парфия, Хоразм, Суғдиёна, Ария аҳамонийларга қарам XVI округни ташкил этиб йилига 300 талант солиқ тўлаб турганлар. Хуллас, яна бир қатор ёзма гувоҳликларни мантиқий мушоҳада этган ҳолда Аҳамонийлар—Хоразм муносабатларининг бу даврдаги аҳволи тўғрисида қуйидаги фикрга келиш мумкин. Хоразм ўз таъсир доирасидаги вилоятлар (Суғдиёна, Парфия, Ария)да мавқеини сақлаб қолиш ниятида расман Аҳамонийлар устунлигини тан олган ва зикр этилган амалга оширилган сиёсий қадам эканлигини шундан ҳам аниқлаб олиш мумкинки, бир йил ўтар-ўтмас милоддан аввалги 328-йили у юнонликлар тазйиқидан қочишга мажбур бўлган Спитаменга Хоразмдан бошпана беради (Страбон, милоддан аввалги I аср — милодий I аср). Фикримизча, Хоразм ҳукмдорининг Искандар ашаддий душмани Спитаменни қабул қилиши нафақат унинг ватандошлик ҳиссидан, балки Искандарнинг аҳволидан бохабарлиги ҳамда маълум маънода кези келганда ўз имкониятларига ишонганлигидан ҳамдир. Зеро, Хоразм бу замонда жанубн шарқдаги таъсирини йўқотган бўлса-да, шимолий-ғарбда Қора денгиз — Азов бўйларигача бўлган ерлардаги мавқеи сақланиб қолганди.

Искандар вафотидан (милоддан аввалги 323—йил) сўнг кўп ўтмай Парфия, Ария, Бақтрия ва Суғдиёна юнонлик Салавек асос солган Салавкийлар қўл остига тушади. Хоразм бу сафар ҳам ўз дахлсизлигини тутиб қолишга муваффақ бўлади.

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Бақтрия, Суғдиёна, Парфия Салавкийлар салтанати таркибидан ажралиб чиқадилар. Мустақил Бақтрия (Суғдиёнани ўз ичига олган ҳолда) ва Парфия давлатлари ҳукмсура бошлайдилар.

Тахминан милоддан аввалги 170-йили Сўғдиёна Бақтрия таркибидан ажралиб чиқиб яна Хоразм таъсир доирасига тушади. Чамаси шу вақтларда Шош (Тошкент) ҳам Хоразм таъсири доирасига тортилади. Милоддан аввалги ўлкамизда бўлган хитойлик Чжан- Цянь гувоҳлик беришича, Хоразм давлати (хитойликлар наздида Қанға) шарқда Фарғона, жанубда Парфия ва Бақтрия билан чегарадош, ғарбий сарҳадлари эса Бухоро ва Хоразм воҳаларини ўз ичига олган. Милоддан аввалги I аср хитойлик муаллифлар Хоразмга Орол ва Азов денгизлари оралиғидаги аланлар (ҳозирги осетинларнинг қадимги аждодларидан) ва Уралолди ўрмон қабилалари ҳам у ёки бу шаклда қарам бўлганликларини ёзиб қолдирганлар. **Демак, милоддан аввалги сўнгги асрда Хоразм Қора денгиздан Фарғонагача бўлган улкан ҳудудда ўз сиёсатини юргизиб турган қудратли давлат бўлган.** Хоразм ҳукмдорлари бу вақтда ўз тангаларини зарб этиш ишини йўлга қўйганлар. Топилган танга намуналаридан шуни кўриш мумкинки, уларнинг бир томонида подшоҳнинг тасвири, орқасида эса отлиқ сурати туширилган. Пул тизимининг жорий этилиши иқтисодий муносабатлар равнақи учун туртки бўлгани шубҳасиз. Айниқса, савдо-сотиқ ишлари гуркираб ривожланган. Сунъий суғориш ишларида бой тажриба эгалари ўлка аҳли янги каналлар қазиш, борларини эса асраб авайлаш борасида ҳам кўп меҳнат қилганликлари маълум.

Қадимги Хоразм тарихи ва маданиятини ҳаммамиздан яхшироқ ўрганган ва билган С. П. Толстов фикрича, хоразмликлар янги ҳарбий тактика — отлари ҳам, ўзлари ҳам оғир совутларга чўлганиб, елкама-елка қаторга тизилиб, камон, найза, узун қилич билан қуролланган чавандозлар рақибни ўзларига яқинлаштирмасдан камон ўқлари, узун найзалар, душман ён-атрофини ўраб олиш йўллари билан қириб ташлаш усулига асос солганлар. Қизиғи шундаки, ғарб учун номаълум ана шу ҳарбий маҳоратдан фойдаланиб хоразмликларнинг жанубдаги қўшинлари парфияликлар милоддан аввалги I аср ўрталарида ал-Жазирада (Месопатамия) Рим салтанатининг етти легион, тўрт минг отлиқ, тўрт минг найзаотардан иборат кучли қўшинини тор-мор этиб, жангда 20000 кишини ўлдириб, 10000 нафарини эса асир олиб қайтганликлари тўғрисидаги гувоҳликларни юнонлик Плиний (милодий I аср) ҳамда Плутарх (милодий I—II асрлар) асарларидан топиш мумкин.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

«ОЛТИН САНДИҚ» ОЧИЛДИ

Андижон вилоятида кейинги йилларда юза қатламлардан нефть олиш миқдори анча камайиб кетиб, чуқур қатламларда қидирув ишлари олиб борилаётганди. Натижа кутилганидан знёда бўлди. Ғарбий Полвонтош конида уч йилдан буён қазилаётган қудуқдан нефть оқа бошлади. Рамзий қилиб айтганда, асрлар давомида ер қаърида ётган «олтин сандиқ»лардан яна бири очилди.



Бу ютуқ Андижон парма-лаш ишлари бошқармасига қарашли Чортоқ участкаси меҳнат жамоасининг ғайрати туфайли қўлга киритилди. Абдуғани Сиддиқов, Тўлқин Турсунов, Иброҳим Раҳимов, Жўрабой Ботиров, Зокиржон Солнев, Ғанижон Мадаминов, Гавҳарали Давлатов, Муҳаммаджон Турдибоев ва бошқалар бургуловчилар уч йил давомида энг чуқур — полиозей қатламдан нефть олиш учун кунларни тунларга улаб ишладилар.

Янги қудуқ ғарбий Пол вонтош конида «153-қудуқ» деб рўйхатга олинди. Ҳозир ундан кунига 25—30 кубометр газ олинмоқда. Нефтчилар бу қудуқ остида катта нефть ва газ бор, деб тахмин қилишяпти. Чунки босим пасайгани йўқ.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Айни кунларда республикамиз хўжаликлари чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш учун ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, озуқа жамғариш ишлари авжида. Фориш районидаги К. Маркс номли давлат хўжалигининг Анорбой Ҳазратқулов бошлиқ бўлимида беданинг учинчи ўрими қизғин давом этмоқда. Бўлим аъзолари бу йил салкам 3 минг тоннага яқин беда пичани тайёрлашга аҳд қилишган.

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Анорбой Ҳазратқулов (чапда) ҳамда ишчи Суннат Эшонқулов ва комбайнчи Қудрат Эшназаров.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• Шатранж оламида

Айни кунларда ғайритабиий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Англия ва Голландия пойтахтларида жаҳон тожи учун бир вақтнинг ўзида икки бахс бошланиб кетди. Салкам 50 йил давомида ҳар 3 йилда бир бор ягона фармонбардор аниқланарди. Икки чемпион ҳам бўларканми, деган савол миллионлаб мухлисларнн гаранг қилиб қўйди. Хўш, сабаб?

ТОЖГА ТАЛАБГОРЛАР

Маълумки, 1983 йили ягона тож талабгори даражасига кўтарилган 20 ёшли Гарри Каспаров халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ билан чиқишолмай, унинг президенти филлипинлик Ф. Кампоманесга жиддий эътирозлар билдира бошлади. Орадан кўп ўтмай, чемпионлик гултожини кийган бу ёш гроссмейстернинг халқаро федерация билан муносабатлари янада кескинлашиб кетди. Охири муросасозликка асло ўрин қолмади. Каспаров ФИДЕ қонун-қоидаларига бўйсунмай қўйди. Бу можарода кўпроқ айб бизнингча чемпионда бўлса керак.

Бориб-бориб иш шунга етдики, ФИДЕ Каспаровни чемпионлик унвонидан, бу йўлда у билан ҳамфикр Н. Шортни эса тож талабгори ҳуқуқидан маҳрум этди. Бинобарин, халқаро федерация қарорига кўра навбатдаги расмий жаҳон чемпионлиги матчи москвалик Анатолий Карпов билан голландиялик Ян Тимман ўртасида ўтадиган бўлди. Чунки улар бундан олдинги, финал матч иштирокчиларидир. Айни чоғда Каспаров билан Шорт профессионал шахматчилар уюшмаси байроғи остида рамзий тож учун ўзаро баҳсга кирдилар.

Олтинчи сентябрь куни Амстердамда Карпов — Тимман баҳсининг биринчи партияси ўйналди. Унда қора доналарни сурган жаҳон экс-чемпиони А. Карпов йирик мусобақаларда нисбатан камроқ учрайдиган, икки немис шахматчиси Каро ва Канн номи билан юритилувчи дебют-ҳимоя усулини ишга солди. Юриш сайин барча қулайликлар қоралар томонига ўтиб, олти соатли мураккаб курашлардан сўнг 57 юришда Карпов дастлабки ғалабани қўлга киритди. Иштирокчилар учун таъсис этилган мукофот икки миллион швейцария франкидан зиёдроқ.

Гап соврин миқдори ҳақида бораркан, Лондонда бир кун кейин бошланган иккинчи матч қатнашчилари учун уни ўз бўйнига олган машҳур «Таймс» газетаси 2 ярим миллион доллар ажратганлигини айтиб қўя қолайлик.

Эртасига Лондондаги матч ҳам бошланиб кетди. Томонлар испанча партиянинг долзарб кўринишларидан бирини қўлланиб, 20-юришдан сўнг ўта мураккаб вазият юзага келди. Кейинроқ ўйлаш учун вақти тиғизлашиб қолган Найжел Шорт кетма-кет ноаниқликларга йўл қўйиб, мағлубиятга учради.

Дастлабки очкони қўлга киритган Каспаров матч бошланмасдан олдиноқ кўпи билан йигирма учрашув орасида рақиби устидан умумий ғалабага эришишини очиқ айтган эди.

Шу куни Голландияда иккинчи партия ўйналди. Қизиғи шундаки, буниси ҳам қоралар фойдасига ҳал бўлди. Ян Тимман ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри актёри, Ўзбекистон Халқ артисти Наби Раҳимовга умр йўлдоши

Любахон РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси собиқ чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси

Иқболхон ТУХТАХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент асбобсозлик заводи маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоаси завод директори М. Н. Галяутдиновга онаси

Фотима ҒАЛЯУТДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг бўлим мудири таниқли адабиётшунос Н. Каримовга отаси

Фотиҳ КАРИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

П. ГРАЧЕВНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

● **АҚШ Президенти Билл Клинтон мамлакатга расмий ташриф буюрган Россия мудофаа вазири П. Грачев билан учрашди. Россия мудофаа вазири Оқ уйда Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Э. Лейк билан музокаралар олиб бораётганда Америка раҳбари суҳбатга қўшилди.**

П. Грачев АҚШ мудофаа вазири Л. Эспин билан ҳам учрашиб, икки мамлакат мудофаа муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, мулоқотлар кўламини белгилаб берадиган меморандумни имзолади.

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● **Президент Борис Ельцин билан музокаралар олиб бориш учун Москвага келган Туркия бош вазири Т. Чиллер Онадўли ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда «арман қуролли кучлари билан урушда фақат Россиядан мадад кутаётганн учун» Озарбайжонни танқид қилди.**

«Туркия Озарбайжоннинг ички ишларига аралашмайди. Бироқ, Озарбайжон ёрдам сўраб фақат Россиягагина эмас, бошқа давлатларга ҳам мурожаат этса, ўзига фойдали бўларди», деди Т. Чиллер. РАТА—ТАСС мухбирининг хабарига қараганда, Ҳ. Алиев Россия армиясини жойлаштиришга уринаётган Озарбайжон ҳудудларига у Туркия аскарларини киритишни таклиф этди.

АРМАНИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ МУЛОҚОТИ

● **Эрон Президенти Ҳошимий Рафсанжоний ва Арманистон Президенти Л. Тер-Петросян телефон орқали суҳбатлашди. Унда минтақадаги вазият масаласи муҳокама қилинди.**

Арманистон Президенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Минск гуруҳи ташаббуси билан Москвада бўлиб ўтадиган норасмий маслаҳатлашувлар минтақадаги муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этишда ижобий силжишларга олиб келишига умид билдирди.

Эрон Президенти ҳам ҳарбий ҳаракатларни музокаралар ёрдамида тезроқ тўхтатишни ёқлаб гапирди.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

● **АНҚАРА. Туркиянинг йирик шаҳарларидан бири — Измирда 62-халқаро ярмарка очилди.**

Бу тадбирда дунёнинг 35 мамлакатидан 1044 фирма вакиллари иштирок этмоқда. Таклиф этилган меҳмонлар орасида Россия, Ўзбекистон, Белорусь, Украина ва Қозоғистон ишбилармонлари ҳам бор.

СЕНАТ МАЪҚУЛЛАДИ

● **АҚШ конгресси сенати ўтган куни Билл Клинтон маъмурияти таклиф этган миллий хизмат ҳақидаги дастурни маъқуллади.**

Ушбу дастурда мамлакат иқтисодиёти муаммоларини ҳал қилиш учун ёшларни жалб қилиш кўзда тутилган. Агар йигит ва қизлар ўқишни тугатгандан кейин икки йил мобайнида йўл қурилишида, шаҳар коммунал хўжалигида, давлат тиббиёт муассасаларида ишлаб беришни ўз зиммаларига олишса, давлат уларнинг коллежда ўқишлари учун ҳақ тўлашга имтиёзли қарз беришни кафолатлайди.

УҚИШДАН ЗЕРИКИШДИ

● **Кейинги пайтда мексикаликлар китоб ўқишдан кўра телевиденне кўриб, радионн тинглашнн афзал билишмоқда.**

Бу ҳақда Нобель мукофоти лауреати, ёзувчи Октавио Пас Монтерей шаҳридаги технология институтида сўзлаган нутқида қуйиниб гапирди. Унинг фикрича, бундай ҳол фақат Мексикадагина эмас, балки АҚШ, Франция, Испания мамлакатларида ҳам мавжуд. «Ўқувчиси бўлмаган мамлакат қуллар мамлакатига айланиши мумкин». Мексикалик лауреат хулосаси шундай.

САЛМОН РУШДИЙ ТРАМВАИДА АЙЛАНДИ

● **«Шайтон шеърлари» муаллифн Салмон Рушдий яқинда Чехиянинг Прага шаҳрида пайдо бўлиб қолди.**

У бу ерда Чехия Президенти Вацлав Гавел билан учрашди. Рушдий Прагада ўтказилган миллатчилик ва ирқчиликка қарши конференцияда ҳам қатнашди. Бу конференцияда у 1989 йил Оятилла Хумайний томонидан унга нисбатан чиқарилган ўлим ҳукмини бекор қилиш учун Эронга халқаро тазйиқ ўтказишни ташкил этишга чақирди. Рушдий ўлимдан қўрқмаслигини кўрсатиш учун Прага трамвайида бир неча бекат айланди.

ИСРОИЛНИНГ ЯДРОВИЙ ЗАРЯДЛАРИ

● **Исроил қарийб 200 та жанговар ядровий зарядга эга. Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси Пентагондаги ва АҚШ ҳукумат муассасаларидаги манбаларга таяниб шу ҳақда хабар қилди.**

Унда айтилишича, Исроил кейинги 25 йил ичида тўплаган бомба ва ракеталарга ўрнатиладиган зарядлар Буюк Британиянинг шу турдаги яроғларидан ҳам зиёддир.

ТРАНСПОРТНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ТУРИ

● **Япония нақлиёт вазирлиги автомобиль ва темир йўл магистралларида транспорт ҳаракати мураккаблашганини ҳисобга олиб, мамлакатда кемалар қатнайдиган каналлар тармоғини яратишни таклиф этди.**

Вазирлик 16 та канал қурилиши лойиҳасини тасдиқлади. Улардан энг узуни 157 километр бўлиб, у Панама каналидан атиги 4 километр қисқа холос. Хонсю оролини иккига бўладиган бу иншоот лойиҳаси 200 миллиард иен (қарийб 1,9 миллиард доллар)га тушади.

ИСРОИЛ ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТАН ОЛДИ

● **Исроил Бош вазири Ицҳак Рабин ва Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитаси раиси Ёсир Арафат бир-бирларнга расмий мактуб йўлладилар.**

Бу мактубларда Исроил ва Фаластин Озодлик Ташкилоти ўзаро бир-бирини тан олгани қайд этилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 13. IX

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 «Биз очиқ жамоа». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.55 «Ёшлик» студияси. «Давр талаби».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Кинолавҳа.
20.00 «Шеърият дафтаридан». Мирмуҳсин.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. «Аждодлар мероси».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Мулоҳаза. «Театр ва томошабин».
22.15 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Умр мазмуни». Телефильм.
20.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Бизнинг суҳбат».
21.00 «Билиб қўйган яхши».
21.20 «Сени излайман». Қисқа метражли бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг».
8.40 Мультфильм.
8.55 «Айваседо сулоласининг қўшиғи» (Тюмень).
9.20 «Ёш йигитчанинг кундалиги». Телефильм премьераси (Красноярск).
9.50 «Мавзу».
10.30 «Гол».
11.00 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 Мультфильм.
15.25 «Оқшом эртаги ёки Бу қандай қилинади!».
15.35 «Ёлғизоёқ йўлгина эмас...».
16.10 «Иқболи кулганда».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Рукн премьераси. «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
17.30 Волейбол. Европа чемпионати. Финал. Финляндиядан кўрсатилади.
18.30 «Спорт уик-энди».
18.45 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Гол».
20.55 «Сиз учун учрашувлар». Александр Зиновьев.
21.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
22.00 Катталар учун мультфильм.

«Янги студия» таништиради

22.10 «Тингла».
22.25 «Джем сейшн». Элтон Джон концерти. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Россияда бизнес».
8.30 «Мутлақо махфий».
9.30 «Шарман-шоу».
11.00 Биз севган комедиялар. «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
13.50 Трансросэфир. «Урал варианти».
14.35 «Телематн».
14.40 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.10 Янгиликлар.
15.25 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.

*

17.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Вақтни бой берма». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
20.15 «Кириш ҳовли томондан».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.40 Криминал хабарлар экрани.
21.50 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Италия Гран-приси.
23.50 Катталар учун мультфильмлар.

Сешанба, 14. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Волидангни рози қил». Концерт.
7.50 «Чархпалак». Мультфильм.
8.00 «Отлар». Телефильм.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.30 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
10.00 «Ўсмир ва қонун».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни қўшиш ва айириш.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. «Ўгит».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
19.10 «Тулпорлар». Видеофильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эстрада концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Унутилган ўйинлар». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
21.55 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Ҳайкалтарош — Илҳом Жабборов». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мусиқали меҳмонхона».
20.30 «Иқтисодчилар мактаби».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.10 С. Рахманинов. Лўлилар мавзуида ёзилган каприччо.
9.40 «Инсон ва қонун».
10.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Иш».
15.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.50 Диний кўрсатув.
16.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Ишонч ёрлиғи» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
17.50 «Миниатюралар».
18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Эстрада гардемаринлари» II Россия фестивали.
21.25 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Москва, Россия) — «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия). «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади.
23.25 Янгиликлар.
24.00 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Кириш ҳовли томондан».

* * *

11.00 «Сеҳрли боғ». Ҳужжатли фильм.
11.05 Теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади.
12.35 «Россияни қандай қилиб эпақага келтириш мумкин?».
12.50 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.15 Кундузги сеанс. «Бахт келтирувчи калишлар». Бадиий фильм.
14.30 Мульти-пульти.
14.40 Концерт.
14.55 «Спектаклнинг яратилиши». Мусаввир В. Окунь.
15.25 Янгиликлар.
15.40 «Рост» студияси. «Кенгуру».
16.10 Трансросэфир. «Поволжье».

*

17.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 218-серия.
20.10 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
20.25 «Кинорежиссёр Эрнест Ясаннинг меҳнати ва кунлари».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Асил ҳолича».
22.20 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Қутқариш хизмати 911».

Чоршанба, 15. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
7.50 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1-фильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Турк тили.
9.40 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Телефильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Дастурлаш тиллари.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Болалар меҳмонхонаси». Анвар Обиджон.
18.50 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳиммат».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Қўшиқларда қолган муҳаббат». Бахтиёр Йўлдошев.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
22.30 Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Фан ҳақида суҳбатлар.
19.05 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Шахс ва илҳом».
21.00 «02» тўлқинида».
21.20 «Бошлиқ соат 12 да келади». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.55— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Қувноқ нотачалар».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 «Савдо кўприги».
10.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Москва, Россия) — «Айнтрахт» (Франкфурт, Германия). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 «Музограф».
16.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Эфирда— Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. «Салом, бу мен!».
17.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Киношок-93» фестивалининг ёпилиши.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.30 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. «Торпедо» (Москва, Россия) — «Маккаби» (Хайфа, Исроил). 2-тайм. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.
21.20 Актёрлар ва тақдирлар. «Ваня тоға». Бадиий фильм («Мосфильм», 1970 й.).
23.20 Янгиликлар.
24.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Боруссия» (Дортмунд, Германия) — «Спартак» (Владикавказ, Россия). 2-тайм. Германиядан олиб кўрсатилади.
00.50 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
01.05 «Матбуот-экспресс».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 15 сентябрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Янгиликлар.
15.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.00 «Бонжур, Семен Ефимович».

*

17.00—19.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Мульти-пульти.
19.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 219-серия.
20.30 «Саратов хонишлари».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Ксюша ҳузурида».
22.05 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
23.25 «/ -клуб».
00.10 «Осойишталик № 9».

Пайшанба, 16. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Бир ўлкаки...». Мусиқий кўрсатув.
7.50 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 2-фильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Зарафшон». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 Араб тили.
9.40 «Аёл қадри». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Баҳовуддин Нақшбанд». Ҳужжатли фильм. «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Истеъдод».
18.50 «Замин саховати».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хизмат жойим — ички қўшинлар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.05 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Уч, тўрт». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20 17.20, 20.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильмлар.
8.55 «Ёш темирчилар» (Славянск).
9.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
10.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.50 «Матбуот экспресс».
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар.
13.50 «Беҳушволар». Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 «Свияга — дарё». Телефильм премьераси (Қозон шаҳри).
16.00 «Рок-сабоқ».
16.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (17.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Боруссия» (Дортмунд, Германия) — «Спартак» (Владикавказ, Россия). 2-тайм. Германиядан кўрсатилади.
18.45 «Мулкдор алифбоси».
18.55 «Севги тарихи».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Фестиваллар намойиши.
21.05 «КТВ-1» ва «Франс интернасиональ» канали режиссёр Клод Шаброль фильмлари ретроспективасини таништиради. «Ифлос қўлли бокиралар». Бадиий фильм премьераси (Франция).
23.10 Янгиликлар.
23.30 «MTV».
00.30 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.20 Мульти-пульти.
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Параллеллар».
8.15 «Кечки салон» саҳифаларида.
9.45 Мульти-пульти.
10.00 Вика Циганова куйлайди.
10.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 219-серия.
11.40 «Генераллар ва Сибирь чипқони». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 «Сўнган юлдузми?».
13.30 «Сайёрадош қўшниларимиз».
14.15 «Рус ташрифи».
14.45 Янгиликлар.
15.00 «Рост» студияси. «Спортмультпрограмма».
15.30 «Тинчлик ва уруш».
16.05 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
16.50 Мульти-пульти.

*

17.00—19.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 220-серия.
20.05 «Вилоятдан мактублар».

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Криминал хабарлар экрани.
21.35 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
22.05 Футбол. УЕФА кубоги. «Ювентус» (Турин) — «Локомотив» (Москва).

Жума, 17. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Дутор ва танбур тароналари.
7.50 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 3-фильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Аждодлардан мерос — дўстлик». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Немис тили.
9.30 «Ҳожиакбар Ҳамидов куйлайди». Фильм-концерт.
10.00 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Бўғимоёқлилар, ўргимчаклар синфи.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 Телефильм.
18.55 «Пахта йиғим-теримини намунали ўтказайлик». Давра суҳбати.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Гулмира Ширинова рақсга тушади.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига. «Зиёбахш». Ҳужжатли фильм. «Ўзбектелефильм» премьераси.
22.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «2-«А» синфида ўқийдиган иқтидорли шахс». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
9.30 Бурятия куйлари ва оҳанглари.
10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Америка М. Таратута билан».
11.50 «Сенинг нозик чеҳранг». И. С. Тургеневнинг «Қишлоқи қиз» пьесаси асосида телевизион спектакль.
13.30 «Мен сизни севардим...». А. С. Пушкин шеърлари.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Олеся ва компания».
15.35 «50х50» телешоуси.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телекомпанияси «Қайтиш» кўрсатувини таништиради.
17.40 «Инсон ва қонун».
18.15 «Америка М. Таратута билан».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия.
21.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

«ВИД» таништиради:

21.55 «Сиёсий бюро».
22.30 «Музобоз».
23.45 «Авто-шоу».
24.00 «Мен деярли машҳурман». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
01.05 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Параллеллар».
8.15 «Вилоятдан мактублар».
9.10 «Ксюша ҳузурида».
9.40 «Оқ қарға».
10.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.55 Мульти-пульти.
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 220-серия.
11.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Россия телевизион театри А. Николаи. «Капалакжон, капалак...».
14.20 «Телематн».
14.25 Мульти-пульти.
14.40 Жума кунлари Дисней. «Қолдиқлар». Бадиий фильм. 1-серия.
15.30 Янгиликлар.
15.45 «Рост» студияси. «Кимнинг томони?».
16.15 Мульти-пульти.
16.25 «Сўнган юлдузми?».

*

17.00—19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Телеэкранда — премьера. «Океан». Кўп серияли бадиий фильм (Италия— АҚШ — Испания). 5-серия.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Джентельмен-шоу».
22.05 «Ватаним менинг».
23.00 «Кечки салон».
00.30 Санъат майдони. Владимир Мишчук чалади.

Шанба, 18. IX

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Янграсин шўх яллалар.
7.50 «Хуш келибсиз!». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Алифбо сабоқлари».
9.40 «Ёш спортчилар мактаби».
10.00 «Чорраҳа».
10.40 «Оламни асранг!».
11.20 «Кичик корхоналарнинг катта истиқболи».
11.50 «Касбим—фахрим».
12.20 Бухоро вилоят Давлат филармонияси артистларининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Келинг, кулишайлик».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
19.20 «Келажакни кўзлаб». «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Байрам табассуми».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Шукур Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Бадиий видеофильм премьераси.
22.50 «Оталар юрти». Видеофильм.
23.10 «Санъат —дўстликка чорлайди». Аброр Ҳидоятов номли театр артистларининг Франция сафари ҳақида.
23.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.45, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 «Матбуот-экспресс».
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спорт-имконият».
8.00 «Марафон-15» таништиради.
8.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
9.55 «Соло».
10.25 «Око» студияси таништиради. «Евросиё кўприги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток).
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Палитра».
12.20 «Ҳукумат кишилари».
12.35 Режиссёрлар В. Краснопольский ва В. Усков фильмлари. «Беайб» («Мосфильм», 1969 й.).
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Пеппи Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. (Швеция).
15.00 «Ўз ўзингга мадад бер».
15.30 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
16.00 «Ультра-си» спорт кўрсатуви. Хотин-қизлар ўртасида чавандозлик бўйича жаҳон чемпионати.
16.40 «Қизил квадрат».
17.20 «Бахтли тасодиф».
18.20 «Оба-на».
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ти Жей Хукер». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фильм.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Бундан буён ва асрдан асрларга». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 2-қисм.
21.00 «Резонанс» студияси таништиради.
21.20 «Бир боқишда муҳаббат».
22.00 Янгиликлар.
22.35 «Эстрада гардемаринлари» II Россия фестивали.
00.15 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. МАСК — «Металлург» (Магнитогорск). МАСК спорт саройидан кўрсатилади
00.55 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
7.55 «Чашмалар». «Сибирь».
8.25 «Ретро-шлягер».
8.55 «Рост» студияси. «Якунлар», «Бизнинг «Аралаш».
9.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
10.10 «Намуна нусхаси».
10.20 Хонаки экран. «Садқаи сар». Бадиий фильм.
11.50 «Олти сотих».

*

12.15—15.40

«ЎЗБЕКИСТОН»

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.25 «Таниш номлар».
12.50 «Безнен мирас» (татар тилида).
13.30 «Истанбулга йўл».
14.05 «Қимиз сайли» (қозоқ тилида).
14.35 Телевикторина. 1-кўрсатув.
15.30 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.40 «Сатирикон» студияси. «Лицедейлар».

*

17.00—19.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Телеэкранда — премьера. «Океан». Кўп серияли бадиий фильм. 6-серия.

*

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.40 «Элчилар ёрлиғи».
22.10 «Репортёр».
22.30 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.
23.25 Фильмлар премьераси.
23.40 «Кундузги сеансга иккита билет». Бадиий фильм.

Якшанба, 19. IX

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 32—33-сериялар.
10.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.10 Инглиз тили.
11.40 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.10 «Яшил чироқ».
12.50 Форс тили.
13.20 «Қишлоқ стадионларида».
13.50 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни».
14.20 «Халқ ижодиёти». Чори бахши Хўжамбердиев.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Томоша».
18.45 «Менинг маҳаллам».
19.15 «Ойнаи жаҳонда».
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 «Санъат олами».
20.30 Дам олиш концерти.
21.00 «Ҳафтанома».
21.40 «Аждаҳони маҳв этайлик». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

7.00—12.00

* * *

17.00—23.30

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.40, 14.15, 21.45, 23.10 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Авто-шоу».
7.45 «Технодром».
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 «Тонг юлдузи».
10.35 «Полигон».
11.05 «Янги авлод...». «Кўзгу».
11.45 «Пи» белгиси билан.
12.35 Гувоҳларнинг шаҳодат беришича... «Дж. Кеннедининг ўлдирилишига оид янги тахминлар».

«КТВ I» ва «Франс интернасиональ» канали таништиради

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар премьераси.
16.00 Мультфильмлар.
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.40 «Ҳунарли хор бўлмайди».
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Мариинскда променад».
18.30 П. Барц. «Учрашиб қолиш мумкин». А. П. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли.
20.55 Эълонлар.

*

21.00 «Якунлар».
21.50 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
22.10 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва)— «Крылья Советов» (Самара). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Хазиналар ярим ороли». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия.
7.55 «Хайрли тонг!».
8.25 «Қарама-қаршиликлар».
9.05 «Рост» студияси. «Мағлубиятсиз ўйин».
9.35 «Сафсаталар».
10.05 «Ати-бати...».
10.35 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.

*

11.05—14.40

«ЎЗБЕКИСТОН»

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.15 «Жаҳон ва биз».
12.00 «Светлица польска».
12.45 «Дийдор» (қозоқ тилида).
13.30 Телевикторина. 2-кўрсатув.
14.30 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.40 «Маски-шоу».
15.10 «Ҳайвонот оламида».
16.10 «Диснейнинг сеҳрли олами».

17.00—18.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.35 Телеэкранда — премьера. «Қотилликка маҳкум этилганлар» (АҚШ, 1989 й.).
20.05 «Оқ акация...». Рус романси.
20.45 «Владимир Познернинг Америкаси».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. Италия Гран-приси.
22.40 «А» программаси.
23.45 Тунги мусиқий кўрсатув.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.50.
Г—531. № 167.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.